Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
25 сон
21 — 27 июн, 2007 йил



# ТОНГЛАРИ БЕДОР АЁЛ

Тошкент вилоятининг Қибрай тумани Қибрай шаҳарчаси аҳли бу аёлни "Опа" деб аташади. Оддийгина бу аташ замирида эса аёлга чуқур ҳурмат ётади. Ҳар бир оила, каттаю кичик опадан маслаҳат сўрайди, дардини айтади, суянади. Хўш, нима учун бу аёлни шунчалар ўзларига яқин олишади?

Биз сўз юритаётган Рашида Тошматова узоқ йиллар савдо соҳасида ишлаган, табиатан шижоатли аёл. Касбий фаолиятида ҳам бир зум дам олиш нималигини билмай ишлаб нафақага чиққач ўзининг шунчаки кун ўтишига қараб яшашини тасаввур ҳам қилолмасди. Ҳудуддаги ҳар бир ташкилий ишда фаол бўлган бу аёлни туман раҳбарлари ҳам, халқ ҳам уйда ўтиришга қўймасди. Шунинг учун ҳам тезда опани жамоат ишларига чорлашиб шаҳарча хотин-қизлар қўмитасига раис қилиб сайлашди. Шу -шу бўлдию Рашида опа тонгдан тунгача халқ билан бирга.

- Кеча тун ярмида эшигимни қоқиб бир аёл оиласида жанжал чиққанидан арз қилиб келди. Тезда бориб эрини инсофга чақириб, оиласини тинчитмагунча ҳаловатим бўлмади, - дея сўзлайди опа. -Ахир оилалар тинч-тотув бўлсин дейман-да. Бир кунда камида 10-12та оилага кириб хабар оламан. Яқинда кўчаларни пиёда кезиб чиқдим, кимнинг ҳовлиси ночор, қаровсиз кўринса рўйхат қилиб олдим. Кейин бирма-бир чақириб аҳволини суриштирдим. Ёрдамга муҳтожларига маҳаллаларни жалб қилдим, шунчаки лоқайдлик билан яшаётганларни тартибга, саранжомликка чақирдик.

Ўн битта маҳалланинг хотин қизлар раислари, маслаҳатчиларининг фаолиятини кузатиб бораман. Улар ечимини топмаган муаммолар билан мурожаат қилишади. Ҳудудимиз аёллари билан "Аёл уйғонмаса-эл уйғонмас" деган мавзу остида тадбирга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бунда учта ибратли оилаларни ёшлар билан учраштирамиз.

**- Хотин-қизларни иш билан таъминлаш қай аҳволда?**

- Аёлнинг бекор ўтирганини ёқтирмайман. Шунинг учун ҳам уйда ўтирадиган аёлларни бириктириб кўрпа қавиш, қандолатчилик, сут маҳсулотларини қайта ишлашга жалб қилдик. Бу маҳсулотларни сотиш орқали рўзғорига барака кирганидан аёлларимизнинг қувончи чексиз. Бунинг натижасида оилаларда жанжаллар камайганини айтмайсизми?

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

**- Рашида опа, сиз меҳрга муҳтож болаларга ҳомийлик ҳам қиларкансиз...**

- Ҳа, туманимизда жойлашган вилоят «Гўдаклар уйи» болаларини оталиққа олганман. Иложи борича улар ҳолидан хабар олиб, турли-туман совғалар олиб бориб тураман. Аслида, улар давлатимиз эътиборида, моддий ёрдамга муҳтож ҳам эмас. Аммо мен уларга оналик меҳримни беришга ва ўзимнинг инсонийлик бурчимни бажаришга ҳаракат қиламан.

**- Рашида опа, хонангизга илиб қўйилган пурмаъно иборалардан ўқиб, «адабиётга ҳам ихлоси баландми?» деб ўйлаб қолдим.**

- Инсон қанча кўп ўқиса, фозиллар, ёзувчи, шоирлар ижоди билан таниш бўлса, шунча фикри теранлашади, яшашнинг, ҳаётнинг маъносини англайди, одамларнинг қадрига етади. Шу маънода доим маҳаллаларда юртимизнинг машҳур инсонлари билан учрашувлар уюштириб турамиз. Театрлар, шеърият кечалари ташкил қиламиз. Бундан аёллар, ёшлар жуда хурсанд бўлишади. Ўзим ҳам туманимиз газетасига тез-тез мақолалар ёзиб тураман.

**- Қандай мавзуларни ёритиб турасиз?**

- Воқеалар жуда кўп, ҳаётий иш фаолиятимидан таъсирланиб ёзаман. Мисол учун, олдимга бир келин йиғлаб келиб учта қиз туққани учун эри ажрашаман, деяётганини айтганди. Бир куни эрини чақириб шундай койидим-ки, эркак аёлидан кечирим сўраб, етаклашиб чиқиб кетди. Шунда: "Қиз бола фарзанд эмасми?.." деган мақолани ёздим. Ёки бир келиннинг калтафаҳмлигидан қайнона озор чекканлигидан дилим ранжиб, "Сиз ҳам қайнона бўласиз", сарлавҳали мақола ёздим. Шу каби тарбияга, одоб, қадриятларимизга доир қораламалар қилиб тураман. Бир оиланинг бошидан ўтганлари бошқа бир оилага ибрат бўлсин деб ёзаман, можароли воқеаларни ижобий ҳал қилгунча асабийлашганимда, чарчаганимда бўлиб ўтганларни қоғозга тушириб енгиллашаман.

**- Рашида опа, тотув оилангиз, бир этак набираларингиз бор экан. Шижоатлисиз, демак, соғломсиз. Айтингчи, армонингиз ҳам борми?**

- Баъзан бир оз толиққанимда, ёки аҳолининг бирор муаммосидан асабим таранглашганда: "Менга нима зарил, уйда ўтирсам бўлмайдими?", деб ўйлаб қоламан. Аммо яна кимдир ташвиши билан келганда шу инсонларга кераклигимдан суюниб кетаман, бир зумда чарчоқларим ҳам унутилади. Битта армоним бор, у ҳам бўлса ёшим ўтиб қолгани. Қани эди вақтни йигирма йил орқага қайтаришнинг иложи бўлса. Ёшлигимдаги шиддатимга ҳозирги шароитлар бўлса эди...

Рашида опа шундай дея чуқур хўрсинди. Бу ўкинч ҳам унинг фидойилиги, жонкуярлиги белгисидир. Опанинг ҳозирги шиддатига қараб ёшлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу йил Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ташкил этилган "Энг ибратли маҳалла Хотин-қизлар комиссияси" кўрик-танловида ғолиб бўлганлигининг ўзи ҳам сўзимизнинг исботидир.

Суҳбатимиз шу ерга етганда телефон жиринглаб қолди. Опа гўшакни олиб бир оз куйиниб гапира бошлади ва мен англадимки, яна бир оилада муаммо туғилган.

***Ҳа, оилалар тинчлиги учун куйинчак, тонгларни эл дарди билан оттирувчи Рашида Тошматовадек аёлларимиз сафи кенгаяверсин.***

Матлуба ШУКУРОВА

# МАШРИҚЗАМИН МАЛИКАСИ—2007



**СУРАТДА:** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Шарқ якка курашлари ва жанг санъати маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ташаббуси билан уюштирилган "Машриқзамин маликаси – 2007" танловида олий совринга мушарраф бўлган таэквандо бўйича тўрт марта Ўзбекистон чемпиони, ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги совриндори Дилобар Сайдуллаева.

*2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили*

# МЕҲР—САҲОВАТ НУРИ

Сурхондарё вилоятида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида "Нуроний" жамғармаси ташаббуси ва ташкилотчилиги остида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор ўзгалар ёрдамига муҳтож, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга қаратилган. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан биргаликда уларга 21 та ногиронлар аравачаси, 6 та эшитиш мосламаси, 164 та ҳасса, 8 та тирсакли қўлтиқтаёқлар тарқатилди.

Бундан ташқари, вилоятда реабилитация техник воситаларидан вақтинча фойдаланиш прокат пункти ташкил этилди. Бу ерда ижтимоий таъминот бўлимлари ёрдамида муҳтож ёлғизларга реабилитация техник воситалари (ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва ҳ.к.)ни маълум муддатга фойдаланишга бериш йўлга қўйилди.

Вилоятда айниқса кекса авлод вакилларининг соғлигини сақлашга катта эътибор бериляпти. Ўтган икки ой ичида 6 киши Тошкент шаҳридаги "Нуронийлар" шифохонасида даволаниб қайтди. 120 нафар фахрийга бошқа сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратилди. 5 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 2 миллион 100 минг сўмлик қорамол бепул берилди. Шунингдек, "Экосан" поезди билан келтирилган 1,5 миллион сўмлик дори-дармон ва кийим-кечаклар ёлғиз кексаларга ва муҳтож оилаларга тарқатилди.

Ҳар йили вилоят уруш ва меҳнат фахрийларини мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига олиб бориш одат тусига айланиб қолган. Музработ тумани оқсоқолларидан 38 киши Самарқанд ва Бухорода саёҳатда бўлиб қайтдилар.

Ёшларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда фахрийларнинг алоҳида ўрни бор. Термиз туманидаги "Пайғамбаророл" чегара ҳарбий қисмида ҳар ойда 1 марта аскарлар билан уруш ва меҳнат фахрийларининг учрашувлари ўтказиляпти.

Ўз ўрнида кекса отахонлар ҳам тинч ўтиришгани йўқ. Нуронийлар қабристонларни обод қилиш ташаббуси билан чиқдилар ва улар томонидан манзарали кўчатлар, гуллар ўтқазилди, қабристон, масжид ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилди. Умумхалқ ҳашарида 24 минг фахрий қатнашди.

Шерободлик Шарифхон бобонинг бир ўзи 100 дона арчани ўз ҳисобидан Исо ат-Термизий мажмуасига ўтказган бўлса, термизлик М.Мирзаев шахсий ҳисобидан Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуасига 50 дона мевали, 60 дона манзарали кўчатлар берди. Бойсун тумани "Нуронийлар боғи"га 520 дона дарахт ва арчалар экилди. Нуронийлар саъй-ҳаракатлари билан вилоят бўйича 62 минг туп ҳар хил кўчатлар ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Соғлом оила—соғлом насл

# ТИББИЙ КЎРИК ОРТИҚЧА ДАҲМАЗА...МИ?

**Суҳбатдошим Мирзааҳмад Ҳотамов 27 йилдан буён оқ халатига доғ туширмай, шифокорлик касбини ҳалол меҳнати билан улуғлаб келмоқда. Ўн йилдан буён Асака тумани марказий поликлиникасида бош шифокор. Айни пайтда тиббий кўрикдан ўтказиш ҳайъати раиси.**

Мен шифокорга мақсадимни айтгач, уни таҳририятга келган қуйидаги хат билан таништирдим. **“Яқинда дўстимнинг никоҳ тўйида бўлдим, - дейилган эди хатда. - У тиббий кўрикнинг ортиқча даҳмаза эканлигини айтди. Ҳали тери таносил касалхонасига югур, ҳали ОИТС таҳлилхона марказини қидир, ҳали руҳий касал эмаслигингни исботла. Ўйланиб қолдим. Турмуш қураётган йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтиши шартми? Бу ҳужжатсиз никоҳ тузишга рухсат этилмайдими? Ахир ота-боболаримиз даврида бундай машмашалар йўқ эди-ку!”**

- Укамизнинг саволига жавоб беришдан олдин мозийга сайр қилсак, - деди Мирзааҳмад Ҳотамов. - XI асрдан буён мутолаа қилиб келинаётган “Қобуснома” панд-насиҳат китобида шундай дейилган: **“Агар ўғлингни уйлантириш ва қизингни эрга бермоқ тиласанг, зинҳор ўз қариндошларинг билан берилишиб-олишмагил. Бегонадан хотин олгил, нединким, ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндир. Бошқа қабиладин икки қабила қилмиш бўлғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва кўмагинг кўпайгай”.**

Шу ўринда Ҳадиси муборакдаги қуйидаги сўзларни ҳам келтириш мумкин. **“Қуда-андачиликни бегоналардан қилинглар. Серпушт аёлларга уйланинглар”.**

Энди Вазирлар Маҳкамасининг **“Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”**ги Қарорида таъкидланган қуйидаги сўзнинг мағзини чақиб кўрайлик: “Тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни амалга оширилиши кўрсатиб ўтилсин”.

Хўш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишига ким масъул? Никоҳдан ўтган ёшлар ўртасида нега ажралишлар кўп? Ногирон болаларнинг туғилишига ким сабабчи? Улар жамиятимизнинг оғриқ нуқталари бўлиб турибди-ку!

Инсон биологик мавжудот саналади. Унинг кўпайиши, авлодлар шажараси мисол давом этиши ҳеч кимга сир эмас. Инсон онгли мавжудот сифатида ўз ҳаётини ўзи танлаш, тўғри изга солиш салоҳиятига эга. Илм-фан, тиббиёт ривожланган ҳозирги даврда айрим оилаларда мажруҳ, ногирон гўдаклар туғилиши учраб турибди. Барча жонзотлар каби инсониятда ҳам насл-насабнинг моддий асосини генлар ташкил қилади. Агар ўша генлар яқин қариндошлар (қиз-йигит) билан қовушса, ген нуқсонли генга айланиши мумкин.

Илмий асосланган бундай хавфдан йироқ бўлиш учун яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан воз кечган афзалдир.

Яқинда бир йигит шахсий илтимос билан кириб келди. Қабул қилдим. Маълум бўлишича, йигитнинг ота-онаси яқин қариндошининг қизига оғиз очишибди: “Қариндошчилигимиз узилиб кетмасин, қизингизни ўғлимизга берсангиз”, дейишибди. Қизнинг ота-онаси: “Майли, бир-бирини ёқтиришса, қизимизни сизлардан аярмидик”, дейишибди. Йигитнинг айтишича, қиз жуда ёқимтой, қўли гул чевар экан. Йигит ҳам ёқтираркан. Бироқ... Яқин қариндошчиликдан туғилажак фарзандлар қисмати қандай кечаркин? Ана шундай ўй-хаёллар қийнаётган экан. Биз йигитнинг эътирозини тўғри деб топдик. Ота-онага ҳам тушинтирдик. Ўғил бошқа қизга уйланди.

- Яна бир мисол айтаман, - ҳикоясини давом эттирди М. Ҳотамов. - Бир куни хонам эшигини ўрта ёшлардаги бир аёл очди. Менга кўзи тушгач, эшик ортидан кимнидир имлади.

- Бу синглим, - деди аёл рангпар, орикқина қизга ишора қилиб, - яқинда тўйи бўлади. Шунга, «тиббий кўрикдан ўтди»,-деган ҳужжатни тўғрилаб берсангиз.

Қиз 1990 йилда туғилган, мактабни шу йили тамомлаган экан. Хонага тиббий кўрик учун масъул бўлган “Оналар ва болалар” маркази мудири, шифокор Қумрихон Қосимовани таклиф қилдим. Маслаҳатлашдик. Хулосамизни айтдик. Қиз турмушга тайёр эмас, камқон, иккинчидан даволаниши шарт. Хуллас, тўйга розилик берилмади. Қиз даволанди, бир ярим йилдан кейин турмушга узатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори муҳим ҳужжатдир. Шу асосда ҳозир икки ёшнинг тиббий аҳволи тўлиқ текширилмоқда.

“Оила” кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг розилиги билангина давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг натижалари шифокор сири саналади ва бу ҳақдаги маълумот никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин.

Баъзи ота-оналар бу муҳим ҳужжатларни пул орқали тўғрилаш мумкин, деган фикрда юрганлигини афсусланиб айтиб ўтмоқчиман. Кўрикдан ўтиш бепул, давлат божи олинмайди.

Ҳар бир ёш ўз жуфти билан бахтли яшашни, ували-жували бўлишни хоҳлайди. Соғлом зурриёд қолдириш, авлоднинг бардавомлигини таъминлаш кўпроқ ёшларнинг зиммасига тушади. Бунинг учун куёв ҳам, келин ҳам соғ бўлса, фарзандлар соғлом туғилади.

Тиббий кўрик даҳмаза эмас, заруратдир!

**Абдулаҳад ЎРМОНОВ суҳбатлашди.**
**Андижон вилояти, Асака тумани.**



# МУКОФОТГА МУНОСИБ ҚИЗ



Бундан бир йиллар чамаси аввал Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова ҳамда республика “Микрокредитбанк” раҳбарлари Сирдарё туманида аёллар билан учрашдилар. Суҳбат чоғида хотин-қизлар тадбиркорлигини, хусусан касаначиликни ривожлантириш, бу борада банкдан кредит олиш учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида сўз борди.

- Мен банкдан кредит олиб, тикув цехи ва ўқув маркази очсам бўладими?- деб савол бериб қолди бир қиз.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўша қиз - Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нодира Қурбонова 5 миллион сўм кредит олди. Бўш ётган каттагина дўкон биноси ижарага олиниб, “Ганжина-Моҳинур” ўқув маркази иш бошлади.

- Усталаримиз қизларга миллий каштачилик, зардўзлик, эркаклар ва аёллар кийимларини бичиш ва тикиш, кўрпа-тўшак, элита усулидаги пардалар тикиш каби йўналишларда сабоқ беришмоқда, - дейди Нодира Қурбонова. - Айнан шу хилдаги маҳсулотларни буюртмачиларга бошқа жойлардагидан 30-40 фоиз арзон нарҳда тайёрлаб ҳам бераяпмиз. Шу кунларда эса 4 нафар аёлни касаначилик асосида уйда кўрпа-ёстиқ ва матраслар тикиш учун марказимизга жалб этишни мўлжаллаб турибмиз.




“Ганжина-Моҳинур”нинг аёллар учун афзалликлари жуда кўп. Марказ уларни хом-ашё билан таъминлайди, буюртмачи топиб беради. Демак, аёллар маҳсулотларига харидор излаш ташвишидан қутуладилар. Энг муҳими аёлларнинг рўзғорига барака киради, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортади.

- Келгусида марказимиз фаолиятини янада кенгайтириб, уй ҳамшираси, чет тилларини ўргатиш, компьютер саводхонлиги курсларини ҳам очмоқчимиз, -дейди Н. Қурбонова.

Нодиранинг ғайрати, орзу-интилишлари жуссасидан ўн чандон ортиқроқ, десак адашмаймиз. У “Камолот” ЁИҲнинг фаолларидан бири сифатида ёшлар ўртасида турли тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича янги-янги ғоялар, таклифларни илгари суради. Мана шу тадбирларга ўз шеърлари, қўшиқлари билан файз киритади. “Ташаббус-2007” танловининг туман босқичида “Энг ёш тадбиркор” йўналишида ғолиб чиққан Нодира вилоят босқичида ҳам муносиб иштирок этди.

Хуллас, Нодира Зулфия номидаги мукофотга муносиб қиз эканлигини жамоат ишлари ва тадбиркорликдаги ютуқлари билан исботламоқда.

**Дармон ИБРОҲИМОВ,**
**Сирдарё вилояти.**

## «ХАЛҚАРО ЮГУРИШ КУНИ»ДА...

10 июн—«Халқаро югуриш куни». Қорасув шаҳрида ҳам ушбу санани кенг нишонлаш мақсадида, тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларда югуриш мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларнинг шаҳар босқичида шаҳардаги 56 нафар уй бекалари иштирок этишди. Қизғин мусобақалар натижаларига кўра, Розияхон Тошпўлатова, Манзурахон Маҳкамбоева, Моҳигул Сиддиқовалар ғолибликни эгалладилар.

Пировардида ғолиблар ва фахрий ўрин соҳибларига шаҳар Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармаларининг эсдалик совғалари топширилди.

**Оловуддин ДАДАХОНОВ,**
**Қорасув шаҳар «Қорасув тонги» газетаси ходими.**
**Андижон вилояти.**

Ахборот

## БАЙРАМОЛДИ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорини бажариш юзасидан қатор амалий ишлар, маданий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

18 июн куни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжумани айнан мана шу масалага бағишланди.

Анжуманда мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Республика Хотин-қизлар қўмитасининг олиб бораётган фаол ишлари тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Жумладан, эркин ва якка кураш бўйича курашчи қизлар ўртасида “Машриқзамин маликаси - 2007” кўрик-танлови, Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар колониясида ўтказилган маданий-маърифий тадбир, жойларда бўлиб ўтаётган “Ўзбекистонда ёшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчиликка, терроризмга, гиёҳвандликка қарши” шиори остида “Шу азиз Ватан барчамизники” деб номланган Дўстлик форумлари каби қатор тадбирлар мазкур қарор юзасидан қилинаётган амалий ишлар сирасидандир.

**ҲУЛКАР**

Oila va jamiyat | № 25 (816) 21 июн — 27 июн 2007 йил | Оила ва жамият 

# СУВНИНГ УВОЛИ ТУТАДИ...

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.



Қуёшли ўлкамизни ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз, шоиру фозилларимиз бекорга жаннат водийсига ўхшатишмаган. Ўзининг осмонўпар минорлари-ю, шарқираган сойлари билан оламга донғи кетган бу қадим юрт ҳали-ҳануз дунё аҳлининг диққату эътиборидадир. Лекин биз-чи? Ота-боболаримиз удумини давом эттириш, дов-дарахтларни асраш, оқар сувларни тоза-озода тутиш ўрнига кўр-кўрона она табиатга хужум қилиш йўлига ўтиб олдик. Бугунги кунда на шаҳар, на қишлоқларимиздаги бирор бир сув ҳавзаси йўққи ифлосланмаган бўлсин.

Ўлкамизнинг айрим канал ва сув ҳавзаларидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ифлосликларни кўриб, энди жим туришнинг ҳеч иложи йўқлигини, бонг уриш, ҳайқириш фурсати аллақачон етганини англайсиз. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозир жуда кўп кичик корхоналар ўз чиқиндиларини очиқдан-очиқ сув ҳавзаларига олиб бориб ташлашмоқда. Самарқанддаги қайси бир ариққа кўзингиз тушмасин, шарқираган зилол сув ўрнига мағзава-ю алламбалолар оқиб ётганини кўриб дилингиз хуфтон бўлади. Бу ифлос сувдаги минглаб-миллионлаб соғлиқ учун зарарли микроблар-чи?

Самарқанд шаҳрининг қоқ ўртасидан оқиб ўтувчи қадимий чашма ариғи бор. Минг-минг йиллар давомида бу ариқ суви шаҳарликлар эҳтиёжини қоплаб суви шифобахш ҳисобланган. Ўтмишда бу ариқ ичига ахлат ташлаш у ёқда турсин, ҳатто бет-қўл ювишгада ор қилган одамлар. Бу ариқнинг бошланиши ер тагидан қайнаб чиқувчи чашмалардан, булоқлардан бошланади. Суви ўта шифобахш. Бошланишдаги суви шу даражада тиниқ-зилол-ки! Ариқ суви шаҳар ичига кириб, бирор километр оққандан кейинги ҳолатини кўрсангиз...

Бир куни таниқли шоир Жамол Сирожиддин билан йўлимиз бир тушиб қолди. «Чашма» ариғи бўйлаб кўприкдан ўтиб, “Регистонгача пиёда бора қолайлик”, - дедилар. «Чашма» ариғига яқинлашганимни биламан, бадбўй, қўланса, чидаб бўлмас даражадаги сассиқ ҳиддан кўнглим ағдарилаёзди. Ариқдан тўлиб-тошиб, тоза зилол сув ўрнига нефтбашара ёки машина мойига ўхшаш суюқлик урилиб-сурилиб оқиб ётарди. Ариқ қирғоғидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ифлосликлар, нефт ичидаги ит-мушук ўликлари, алламбало чиқиндилар, бўёқ идишлари, эски-туски пойафзаллар, жанда-жундалар, темир-терсаклар, хонадонлардан тўғридан-тўғри нефт ичига оқиб тушаётган мағзавалар, товуқ-ўрдак патлари, ичак-чавоқлар...

Ёқамни ушлаб кетаётсам, кўрганларимдан-да зўр томошага кўзим тушди. Қайси бир шоввоз ариқ лабига иккита ходани қўндириб, устига тахтадан хожатхона қуриб олибди! Ҳожатхонанинг ахлати эса... тўғридан-тўғри нефт ичига тушиб, оқиб ётибди. Тавбалар қилдим. Мен умрим бўйи кўрган-билган ҳожатхоналарнинг каттами-кичикми, чуқурмисаёзми бир чуқури—ўраси бўлгувчи эди... Бунақасини биринчи кўришим.

Асли Боғизоғон фарзандиман. Киндик қоним Зарафшон дарёси бўйидаги “Учкал” қишлоғида томган. Болалигим эса Ургут туманининг Қалдирғочжар, Ғойибота қишлоқларида ўтган. Тайлоққа келин бўлиб келганимга ҳам 26 йил бўлибди. Ҳар гал Боғизоғонга борсам, худди эртакларда таърифлангандек бир гўзал манзарани кўриб ўтардим. Қўтирбулоқдан Тайлоққа келишда йўл пастқамликдан ўтади. Икки тараф боғроғлару табиий ўрмончадан иборат хушманзара жой. Худди шу ердан юзлаб-минглаб булоқлардан ташкил топган, менинг қўшиқларимга илҳом берган, минг-минг йиллардан бери одамлар қалбига завқ-шавқ солиб, илондек тўлғониб, зилол сувли Қорасув ёки Сиёб авж пардада йўлнинг ўнг томонидан бу томонигача кўприк орқали оқиб ўтади. Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи шохбачаси эрамиздан олдинги Эфталитлар давлати даврида қазилган Дархон канали бўлса, ундан, кейинроқ қазилган Қорасув каналидир.

«Бобурнома»да ёзилишича, Темурий саркарда Бобур Мирзо Шайбонийхонни махв этиш умидида тун қоронғусида Самарқандга яқинлашиб қолади. Испанди қишлоғи яқинидан ой ёруғида илондек тўлғониб оқаётган Сиёб ариғини кечиб ўтар экан, шундай ёзади: “Суйи муздек экан, отимнинг белигача келди, узангидан оёғимни кўтариб олдим”.

Қаранг-а! Қайси бир амалдор, ишбилармон саратоннинг жазирама офтобида бола-бақрани, одамларни бағрига чорлаган табиий гўшани сотиб олиб, бензаколонка қуриб олди. Яна бир ишбилармон ошпаз эса 10 та каравотни қаторлаштириб қўйиб, пивохона-ю шашликхона қуриб олди. Энди ошхонасидан чиққан ювиндилар, баклашкалар, ичак-чавоқлар тўғри Сиёб каналига ташланмоқда. Гапирсангиз, бу жой ташландиқ жой эмиш...

Яқинда Қўтирбулоқдан пиёда келаётсам, мендан 30 метрлар ўтиб, кўприк устига бир оқ “Нексия” машинаси тўхтади. “Нексия”дан тушган 30-35 ёшлардаги икки эркак капотни очиб, уч қоп алламбалони зилол сувли каналга улоқтирди. Жон ҳолатда югуриб етиб боргунимча жўнаб қолишди. Қопдагилар нима бало экан, деб канал ичига қарасам, эски-туски калиш-шиппак, товуқ ўлиги ва патлари, ҳожатхонага ишлатилган қоғозлар сув юзини тўлдириб оқиб бораяпти. Сал нарида эса тустовуқ патларини қоқиб, болаларини эргаштириб, сузиб қочиб бораяпти.

Эй, нодон одамзот! Бу нима қилганинг? Ҳожат қоғозларини қайси кўнгил, қайси виждон билан сувга ташладинг? Сув бўлмаса сен дунёга келармидинг? Яшармидинг? “Нексия” минармидинг? Сувнинг уволи тутади, сенларни!

Тайлоқ бозори олдидан оқиб ўтувчи Хўжачироқ ариғини гапириб ўтирмай. Ариқ устига ишбилармонлар бетон ётқизиб, дўкон қуриб олишган. Энди бозордаги дўконлардаги қанчалаб чиқиндилар, кераксиз ашқал-дашқаллар, баклашкалар, гўшт бозорининг калла-поча, ичак-чавоқлари, уюм-уюм писта пўчоқлари, ит-мушук ўликлари бари-бариси сувга ташланади.

Ҳазар! Алҳазар! Оби ҳаётга қилинаётган хиёнатлар учун худо бизни жазолайди! Биз кўр-кўрона табиатга, дов-дарахтларга, ҳайвонот дунёсига ҳужум қилиш йўлига ўтиб олдик. Худо: “Мен берган неъматларни хор қилганларни кечирмайман!” - деган.

Зарафшон дарёсини-ку, гапириб ўтирмай. Асли Тожикистон тоғларидаги ирмоқлардан бошланиб, яхлит бир дарё қадим Зарафшонга айланиб, Ҳизр назар қилган юртимиз узра гулдуросу сурон солиб оқишининг ўзи Худо биз инсонларга берган тенгсиз неъмату саховатдир.

Шу қадим дарё туфайли рўйи замин сайқали Самарқанд—Мароканда вужудга келмаганми?! Шу заминни шу она дарёни Искандардай ёвқирларга бермаслик учун жон олиб, жон берган суғд паҳлавони Спитамен, массагетлар маликаси Тўмарислар эмасмиди?!

Ахир ер юзида Зарафшондек зар сочувчи дарё йўқ. У қарийб дунё томи Помир тоғларидан бошланиб қимматбаҳо тоғ ресурсларини, олтин запасларини юртимизга оқизиб келади. Бизнинг асримизга келиб эса... Бизга не бўлди, одамлар?! Зарафшондай дарё қирғоғидаги, дарё ичидаги ахлатзорлар, темир-терсаклар, завод-фабрика чиқиндилари ҳақида гапириб ўтирмай.

Эрталаб уйқудан уйғониб, эшигим тагидан оқиб ўтадиган сувга қараб Яратганга шукр қилаётсам, дарҳол сув юзида музқаймоқ қоғозлари, ахлат уюмлари, хас-хашаклар оқиб кела бошлайди. Биламанки, маҳалладаги хотин-халаж уйғониб, ҳовлиси, эшик тагларини супуришни бошлаган. Ахир қайга супуради, ариққа-да! Бир оздан кейин сув бирдан қорайиб, бадбўй сассиқ сув оқа бошлайди. Билингки, бирорта шоввоз тўлган ҳожатхонасининг ахлатини оқизаяпти. Ахир ҳарна-да, ҳожатхонасини яна икки ой ишлатади. Янгисини қуриб ўтирмайди. Орол фожеаси ҳеч кимга сабоқ бўлмади. Кўр-кўрона тириклигимиз манбаи она табиатга ҳужум қилиш йўлига ўтиб олдик. Ахир, атиги 3 кун сув бўлмаса, нима аҳволга тушишимизни ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Ариққа - сувга мағзава ташлаш - энг разил жиноят. Айрим хотин-қизларимиз ҳеч иккиланмай, мағзавани ариққа ташлашади.

Азиз юртдошлар! Ватан нима? Она юрт нима? Дунёга келибмиз, яшаяпмиз! Худо берган ризқимизни озми-кўпми ошаяпмиз. Ёруғ оламни кўриб турибмиз. Юриб турибмиз. Бу кунларга етмаганлар бор. Онасидан туғилмаганлар бор. Оби ҳаётга табиатга қарши исёнимиз қачон тўхтайди. Дарё-ю, сувларимизни бу даражада ифлослантириш, таҳқирлаш жиноят эмасми? Бу қилмишимизни табиат, келажак авлод кечирмайди. Табиат биздан ўч олади, ўч!!!

Ахир, биз одаммиз-ку! Ҳайвондан фарқли ўлароқ онгли мавжудотмиз-ку. Бойлик йиғишни, яхши ейишни, кийишни биламиз-у, сувни асрашни билмаймиз. Наҳот, виждонимиз қийналмаса? Кўзларимиз очилмаса? Нима дейишни ҳам билмай қолдим. Биз жиноятчимиз! Фақат одам ўлдирганлар жиноятчи бўлмайди. Табиатни ўлдирган, авлодга ҳужум қилган ҳам жиноятчи. Ўз илдизимизга болта уриш қачонгача давом этади?..

Қадрдоним “Оила ва жамият”! Менинг озорли дилим нолаларини юртдошларимга етказ! Зора, устивор қонун пайдо бўлса-ю, табиатга қирон келтиришнинг олди олинса...

**Саломат МАМАТҚУЛОВА,**
**шоира,**
**Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани.**

# ҲАР БИРИМИЗГА ИНСОФ БЕРСИН!

Мени кўпдан бери ҳаётимизда томир отиб бораётган - ҳалол-ҳаромга риоя қилмаслик муаммоси ўйлантиради.

Маълумки, сув бор жойдагина ҳаёт бор. Демак, ҳаёт манбаи бу - сув. Лекин шу сувга бизнинг муносабатимиз қандай бўлаяпти? Шаҳар-қишлоқларимиз бағридан ўтиб келаётган ариқларнинг ичида нималар йўқ, дейсиз?

Хўш, чиқиндилар ариқларимиз ичига қаердан келди? Албатта уни биз ўзимиз ташлаяпмиз! Нега? Чунки биз ҳалол-ҳаром деган нарсаларни фарқлашдан йироқлашдик.

Ўйлаб қоламан. Қани энди Аллоҳ ҳаммага ҳам бир хилда инсоф берса-ю, сувларимиз бундан бир аср олдингидек зилол бўлиб оқса...Ота-боболаримиз сувга қараб тупурманглар, деб уқтиришган.

Давлатимиз ўз халқи учун тоза ичимлик суви ичсинлар, деб Самарқанд (Дамхўжа)дан, Навоий - Бухоро вилоятлари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаб турибди. Аммо биз фуқароларнинг бу ғамхўрликка муносабатимиз қандай? Нима учун исрофгарчиликларга, сувнинг ифлосланишига йўл қўйяяпмиз?.. Бу сувнинг бизгача етиб келишига қанчадан-қанча маблағ сарфланишини бирор киши ўйлайдими? Аслида, агар ариқларимизни тоза сақлаганимизда сув муаммоси ҳам чиқмасди-ку!..

Халқимизнинг: “Сувни исроф ва ифлос қилманг”, деган пурҳикмат сўзларини унутмаслигимиз лозим.

**Раззоқ ҲАКИМИЙ,**
**Меҳнат фахрийси.**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа шаҳри.**

# КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ ЯХШИ, АММО...



- Оиламизда тўрт фарзандмиз. Икки укам ва мен жуда бахтлимиз. Опамиз ҳам бахтли эди, лекин, ҳаёти синди,- дея сўз бошлади гўшакдаги аёл. - Менинг исмим Муқаддас. Опамнинг исми эса Лобар. Исми-жисмига монанд опамнинг бошига шунча кўргуликлар тушишини ким ҳам билибди, - дейсиз...

**- Нима бўлди, бирор фожиа рўй бердими?**

- Опам севиб-севилиб турмушга чиқди. Эри бўлажак актёр, баланд бўйли, чиройли йигит эди. Опам иккиси узукка кўз қўйгандек эдилар. Тўйларидан сўнг поччам Раҳим ака институтни тугаллаб, пойтахтдаги театрлардан бирида иш бошлади. Кўркам йигит эмасми, тезда кўзга ташланди. Кўплаб ажойиб ролларни ўйнаб, танила бошлади. Кўп ўтмай икки хонали уй олишди. Бу орада икки нафар фарзандли бўлишди. Улар уйимизга фарзандларини етаклаб келишаркан, кўпчилик ҳавас билан қарарди. Кўз тегдими, ишкилиб... Тўрт нафар фарзандли бўлишганда оила парокандаликка учради.

**- Ажрашиб кетишдими?**

- Ажрашишга-ку, ажрашишмади. Балки шундай бўлганида опамга яхшироқ бўлармиди?

**- Нега бундай дейсиз?**

- Чунки, ҳар куни изтиробга тушиб, сиқилиб юргандан кўра эридан бирданига узил-кесил воз кечган маъқул эди. Поччам бир раққоса билан топишиб кетди...

**- Бунинг бирор сабаби бордир?**

- Албатта бор. Лекин опамнинг айби йўқ, деб ўйлайман. Тўйимда поччам тўйни олиб борди. Гўзал шеърлар ўқиди. Турли воқеаларни айтиб, тўйимни шу қадар қизиқарли ўтказдики, кўпчилик меҳмонлар дарҳол поччамни ўз тўйларига ўртакашликка таклиф қила кетишди. Шу-шу поччам тўйларни олиб борадиган бўлди. Бунинг устига театрда ҳам ижоди гуллади. Тўйлардан бирида поччам бир раққоса билан танишиб олган экан. Опам сабрли эди. Буни поччам очиқчасига ўша раққоса билан учраша бошлагандагина билиб қолдик. Аниқроғи, мен билиб қолдим.

**- Қандай қилиб?**

- Бир куни опамникига бордим. Эрталаб соат 11 лар эди. Опам хомуш, кўзларидан йиғлагани билиниб турарди. Сабабини сўрагандим, айтмади. Кўп ўтмай эшик тақиллади, поччам келган экан. У мен билан саломлашиб, қўлидаги сумкани полга ташлади-да, ваннага кириб кетди. Сўнг чиқиб ётоқхонага кириб, ухлаб қолди. Опам шунда менга қараб:

- Кўрдингми? Уч кундан буён уйга келмади. Болаларни ҳам сўрагани йўқ,-дея йиғлаб юборди. Билдимки, поччам ўша раққоса билан яшай бошлабди. Уйга ҳар замонда келаркан. Опам ерда ётган сумкани олиб полга ағдарди. Ичидаги пулларни олиб санадик. Поччамнинг бир кунлик тўйда ишлаб келгани, оддий ишчининг бир йиллик маоши билан тенг эди. Опам менга бу гапни бировга айтмаслигимни тайинлади.

**- Поччангизнинг қилмишидан уялибми?**

- Отамни, касал онамни ўйлагани учун-да. Лекин поччам уйга ойлаб келмай қўйгач ҳамма гапдан улар воқиф бўлишди. Болалари айтиб қўйди. Опам ҳамширaликни битиргани учун поликлиникага ишга кирди. Қизи билан чеварлик қила бошлади.

**- Поччангиз умуман қайтмадими?**

- Йўқ, баъзан танишларимнинг тўйида давра олиб бораётганига гувоҳ бўлардим. Эшитишимизга қараганда ўша раққосага бир нечта дўконлар очиб берибди. Ўзим бир куни уларни ўша дўконлардан бирида ўтиришгани устига кириб қолдим. Роса алам қилди. Бунинг устига телевизорда кўп чиқарди. Қайнона-қайнотам эса: - Барака топгур, ролларни жуда маромига етказиб ўйнайди-да, - дея мақтаб ҳам қўйишарди. Поччам эса бу спектаклларда оиласини ташлаб, бошқа аёл билан топишиб кетган, охирида эса хору зор бўлиб яна уйига қайтган ота ролларни ўйнарди. Тўғрисини айтсам қойилмақом қилиб бажарарди ролини.Бироқ вақти келиб ўзининг қисмати ҳам ана шундай ниҳоясига етишини поччам хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

**Қўнғироқларингиз...**

**- Қандай қилиб?**

- Аслида поччамнинг юраги безовта қилиб турар, опам эса ҳамшира бўлгани учун вақтида зўрлаб бўлса ҳам дорини ичирар, уколини қилиб юрарди. Кейинчалик эса ҳеч ким унинг касали билан иши ҳам бўлмаган. Шу касали уни йиқитган экан. Шу боис ўша раққоса уни кераксиз буюмдек кўчага итқитибди...

**- Яъни?..**

- Опам янги йил арафасида торт пишираётган экан. Шу пайт эшиги тақиллаб қолибди. Опам соатга қараса соат бирдан ошган. Ўғлини уйғотиб, иккиси эшикни очишибди. Қараса бегона бир эркак эшик ёнида турганмиш.

- Сизга нима керак? - деб сўрашибди.

- Янга, мен такси ҳайдовчиман. Бир аёл мижозимнинг ишини бажарган келдим. Машинада бир эркак бор, уни шу манзилга етказиб беришим керак эди, - дебди қўлидаги манзил ёзилган қоғозни кўрсатиб.

Опам билан жияним пастга тушиб қарашса, машинада оғзи бир томонга қийшайиб қолган поччам ётганмиш...

Опам поччамни уйга олиб чиқиб, шифокорни чақирибди. Шифокорлар эса: - Бу касаллик анча ўтиб кетган, вақтида чақирмабсиз-да? - дея опамни койишибди. Орадан бир соатлар ўтгач ўша раққоса қўнғироқ қилибди.

- Ҳой, эрингни уйингга олиб кириб олдингми? Энди менга кераги йўқ. Бунинг устига у қонуний эрим эмас. Керак бўлса боқиб оларсан. Мен бошқа эркакка турмушга чиқаяпман,-деб гўшакни тарақлатиб қўйиб қўйибди.

**- Опангиз поччангизга қараяптими?**

- Ҳа,опам поччамни касалхонага жойлаштирди. Даволатди. Энди поччам амал-тақал қилиб гапираяпти, қошиқ ушлаб ўзи овқат еяпти. Опамга баъзан:

- Соғ пайтида керак бўлган поччам энди ўша раққосага керак бўлмай қолибди-да. Олиб бориб беринг, қарасин,-десам опам хафа бўлади.

- Қўй, ундай дема! Майли-да, майибми, мажруҳми, ҳар қалай у болаларимнинг отаси-ку! Борига шукр! - дейди.

**- Демак, опангиз жуда сабру тоқатли, ажойиб инсон экан, у тутган йўлни маъқулласангиз бўлмайдими?**

-Тўғри-ку, лекин поччам опамни жуда хўрлади-да. Опам овқат едирса, қўлларини силаб, кўзларидан дув-дув ёш тўкади, денг! Шўрлик опам эса шу озгина эътибордан ҳам хурсанд.

Менинг эса жаҳлим чиқади. Пулдор пайтида оиласини ташлаб кетганди. Энди бўлса... Кечиримли бўлиш яхши, аммо, бошига шунча кўргуликларни солган поччамни кечириш тўғримикан?

**Азизлар, мана воқеадан ҳам хабардор бўлдингиз. Лобарнинг тутган ишини биз маъқулладик. Бу бағридарё аёлга яна сабру бардош тилаймиз. Сиз нима дейсиз?**

ГУЛБАШАКАР

# ҲАЁТИМ ЎЙИНЧОҚМИ?

- Айбим нималигини, қаерда хато қилганлигимни билмоқчи бўлиб бу ерга келдим, - дея сўз бошлади мунчоқ кўзларида ёш айланиб Назокат. - Ўзи эзилган қиз эдим, турмушга чиқиб баттар бўлдим. На эримнинг уйига сиғаман, на отамнинг...

**- Батафсил гапиринг-чи, нима бўлган ўзи?**

- Онам вафотидан кейин ўгай она қўлида катта бўлдим. Бир акам, икки синглим бор. Онам ўгай бўлсалар-да бизни ўз фарзандидек улғайтирди. Акамни уйлантирдик, алоҳида уй олиб бердик. Менга ҳам мактабни битирмасимдан совчилар кела бошлади. Аммо тўй қилишга имконимиз бўлмаганлиги сабабли барча совчиларни қайтарардик. Бироз йиғинганимиздан кейин онам совчи қўйган бир йигитга учрашувга чиқишимни айтди. Бу пайтда мен 22 ёшда эдим. Учрашувга келган йигит кўзимга камтарин, оғир-босиқ бўлиб кўринди. Ташқи кўриниши ҳам ёмон эмасди. Хуллас шу йигитга тегишга рози бўлдим. Тўй ҳам белгиланди. Орзу қилган бахтимга эришдим, деб ўйлагандим. Бирор ишни қилмоқчи бўлсам қайнонам дарров қўлимдан олиб: "Қўйинг, ўзим қиламан", десалар, қайнотам елкамни силаб, "Қизим зерикмаяпсизми?", дея сўрасалар "меҳрибончилик"ларидан юрагим ҳаприқиб кетарди. Ҳатто бир куни қайнонам, "Болам ишлашингиз керак, ҳаммамиз уйда ўтирсак ҳам бўлмайди", деганларида чиллам чиқмаса ҳам мени зерикиб қолади деб ўйлаётганларидан суюндим.

Бир тикув цехига жойлашдим. Ҳар куни эрталаб кетиб, кеч келаман. Ойимларга қарашишга ҳаракат қиламан. Аммо улар буни хоҳламайди. Кейин ҳамма ётоғига кириб кетади. Шу ҳолатда кунлар ўта бошлади.

**- Эрингиз билан муносабатингиз қандай эди?**

- Бошида яхши эди, ёш оила қурганлар бир-бирига меҳр-муҳаббатли, ширин сўзли бўлади, дейишади-ку. Шунақа даражада бўлмаса ҳам муомаламиз яхши эди. Мен уларни босиқ деб ўйлардим. Аммо бир оз вақтдан кейин умуман гапирмай ҳатто бир хонада ётмай қўйди. Нега унақа қилаётганлигини сўрашга уялдим. Уйга келсам ҳеч ким менга гапирмайди, фақат қайнотам: "Хафа бўлма қизим", деб қўйди.

**- Турмуш қурганингизга қанча бўлди?**

- Бир йилдан ошиб қолди. Аммо у хонадонда бор -йўғи беш ой яшадим.

**- Қайнотангиз бир оз тушунади шекилли, улардан ёрдам сўрамадингиз-ми?**

- Мен ҳам қайнотамнинг меҳрибончиликларидан паноҳ излаган эдим. Аммо бу "меҳр"дан қалбим нафратга тўлди. Негаки кейинги пайтларда қайнотам менга ортиқча мулозамат қиладиган, қайси хонага кирсам ортимдан кирадиган, кўнглимни кўтарган киши бўлиб елкамдан қучадиган одатлар чиқарди. Шундан кейин бу одамнинг нияти бузуқ эканлигини англаб қолдим. Бемор бўлиб қолганимда тонг саҳар оғриқдан инграниб ётсам тепамда бир шарпа турганини сездим, кўзимни очиб қарасам қайнотам турибди. Қўрққанимдан касалимни ҳам унутиб сакраб ўрнимдан туриб кетдим-да: "Ада, бу ерда нима қилиб турибсиз, чиқинг, биров кўрса нима бўлади", дедим. Шунда улар пинагини ҳам бузмай: "Қизим, сендан хавотирландим. Иссиғинг тушдими?", деб бошимни ушлаяпти. Ноилож тунги кўйлакда ўзим ташқарига чиқиб кетдим. Тузалиб борганимдан кейин ҳам қайнотамнинг шу қилиқлари тўхтамади, устига устак қайнонам: "Онанг сенга уни қилмаган, буни қилмаган. Гиламингни диванингга мослаб олмаган", деган гаплар билан эзаверди. Ахири тоқатим-тоқ бўлгач бир куни акамга қўнғироқ қилиб йиғладим. Акам келиб уйдагилар билан гаплашди. Шунда эрим акамга мени бошдан ёқтирмаганини, уйдагиларини гапи билан уйланганини айтди. Бу гапдан тутоқиб кетган акам: "Қанақа эркаксан, синглимни ҳаёти сенга ўйинчоқми? Шу дардинг бор экан нега тўйдан олдин айтмадинг, нима айби бор юзимга айт", деб бақирди. Аммо у жим ўтираверди.

**- Ҳозир қаерда яшаяпсиз?**

- Акамникида. Куни билан ишда бўламан, туни билан йиғлаб чиқаман. Жамоадагилар менинг аҳволимни билишмайди. Нуқул "Нега туғмаяпсан, даволан", дейишаверди.

**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

**- Кетганингиздан бери эрингиз хабар олдими?**

- Йўқ, бирор марта ҳам қаерда, нима қиляпсан дейиш у ёқда турсин қайнонам билан бориб маҳаллага турли гаплар тарқатиб юрганмиш. Энг кўп совчи келган қиз ҳам мен эдим. Ҳамма борган жойингни тиндириб, дуо олиб яшайсан, деб ишонарди... Улар мени нима учун ёқтиришмади, ёқмаган эканман нега келин қилди экан, тушунолмаяпман. Айбим бўлса бетимга айтишмайдими?..

- Хафа бўлманг. Бошида бир оз шошибсиз. Аммо сиқилманг, ҳаёт тўхтаб қолмайди. Балки инсофга келишиб яшаб кетарсиз, ёки қадрингизни билгувчи бошқа бир инсон билан бошқа турмуш қурарсиз. Ота-онангиз, туғишган жойингиздаги маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб бир хулосага келинглар. Ора совиб кетса ҳам яхши эмас.

***Шу гапдан кейин Назокат боши эгик ҳолда чиқиб кетди. Унинг маъюс кўзлари менинг хаёлимдан кетмай қолди. Яратган бу гўзалга гўзал бахт ҳам ато этишини ич-ичимдан тиладим.***

Матлуба ШУКУРОВА

Саломатхон опа, надоматларингиз жуда тўғри, ўринли! Дарҳақиқат, бугунги кунда модани тушуниб-тушунмай, Овропача кийиниш усулларини билиб-билмай ўзига тадбиқ қилаётган, улардан нусха олаётган, этика, эстетика тушунчаларидан мутлақо бехабар калтафаҳм ёшларимиз кўпаймоқда. Баъзи қиз-жувонлар эзилиб, пучайиб кетган ёки пишмай тўппон бўлиб қотиб қолган, чучварадай бедаво киндикларини очиб, сиз ёзгандек, айримларининг қўнғир, айримлариники қора-қура, сариқ-сомон тукларини кўрсатиб юришни мода-русм қилиб олганлар.

**“Мода дегани беҳаёлик эмас” 22-сон**

**ЭСЛАТМА: Бугун айрим юртдошларимизнинг кўриниши—рафторидаги қусурлар кўнгилга хижиллик солмоқда. Телевизорда ярим-яланғочлар, кўча-кўйда яланғоч аёллар... Нега ота-оналар қизларининг кийинишига бунчалик бефарқ?.**

**Муаллиф: Саломат МАМАТҚУЛОВА**

# ҲУСН - КИЙИНИШ ОДОБИДА




Баъзиларининг белларидаги тасма, камарларининг ялтироқ ёки қизил тўқасининг нақ қаврари устига келтириб боғлаб юришларини айтмайсизми? Ўсиб кетган, патак бойлаган қўлтиқ жунларини кўз-кўз қилишлари-чи?..

Мен табиатан кузатувчан одамман. Хоҳлайманми-хоҳламайманми, баъзан калта, тор шим кийган қизларнинг орқасидан кўриниб турган думба айрисига кўзим тушиб қолади. Дарҳол, тескари қараб оламан. Ўзимни ноқулай ҳис қиламан.

Инсон психологияси, айниқса, ёш кўнгиллар шундай туйғуларга эгаки, улар ҳамиша сир тутилган, пардага олинган юракка, тана аъзоларига ҳавас қилади, қизиқсиниб қарайди. Ҳар қандай ҳис-туйғу ҳам очиқ-сочиқ баданни, яланғоч тана аъзоларини кўрганда сўнади қолади. Сўнган муҳаббат ўрнига эса ё шаҳвоний ҳирс уйғонади ёки у ҳам совийди ва барҳам топади. Савол туғилади: «Хўш, модачи қизлар, нимага эришмоқчи бўляпсизлар? Йигитлар ҳар доим ҳам очиқ белингизга, киртайган киндигингизга, қов терисидаги мўйларингизга,таранг шимингиздан тирсиллаб турган ёнбошларингизга, сонларингизга ёқтириб қарамайдилар. Атрофингиздагилар бу юришингизга ғижиниб, киноя қилиб, масхара қилаётганларини ҳеч сезганмисиз? Энди, сиз нима деган одам бўлдингиз? Моданинг бу томонларини ҳеч ўйлаб кўрасизларми? Ота-оналари-чи? Улар нечук қизлари тақдирига бу қадар бефарқ қарайдилар?! Эрта-индин турмушга чиққанларида “ўрганган кўнгил ўртанса-да, қўймас” қабилида кийинаман, деб ғалва қилишлари аниқ-ку. Ҳозир қизи борлар йигитларнинг, ўғли борлар, қизларнинг кийимига, кийинишига, юриш-туришига қарайдиган замон. Чиройли, ярашган кийим ёшларнинг бир жиҳатдан чиройини очса, кўримли, ораста қилса, иккинчи жиҳатидан, бу уларнинг диди, фаҳм-фаросати, одобини белгилайди. Гўзалликни севиш, эзгуликни тушуниш, қолаверса, беақл, бефаросатликни англашда ҳам кийиниш одобининг таъсир қудрати беқиёс. Ёшларнинг пардоз-андози кўз-кўз қилган таъна аъзоларида эмас, балки ярашиб турган кийим-кечагида эмас, ёшига, қоматига ярашган либосида бўлади. Сиз-чи, модапарастлар?! Гўзал, нафис, енгил либосларни қўйиб, саратонда қалиндан-қалин жинсиларни кийиб, иссиқлаб қолишдан, бижғиб кетишдан ҳам қўрқмай “орқангизни” бозорга соласиз? Шу ҳам русумми? Шу ҳам жозибами?

Азиз ота-оналар! Фарзандларимиз кийиниши, юриш-туриши, одоб-аҳлоқи тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш вақти келмадимикан? Бугун мода ортидан қуваётган ёшларимиз миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни унутиб қўйишларига бизнинг ҳам айбимиз борлигини унутмайлик.

**Азимжон ҚОСИМОВ,**
**Тошкент шаҳри**

# “ҚАЙИН ЎТИРГАН ТОМДАН ЎТМА...”

**“Умид учқунлари сўнмасин” - 8-сон**

**ЭСЛАТМА: Турмушга чиққач, онамнинг сўзига кириб, “бошидан бўш кетмасликка, эрга, қайнонага бош эгмасликка” ҳаракат қилдим. Оқибатда, гулдек оилам бузилди. Энди бойликка ўч, ҳаётни ўз қаричи билан ўлчайдиган онамнинг сўзига кирганимдан афсусдаман.**

**Муаллиф: Зебинисо Ғаффорова**

Аввалам бор, Зебинисохонни чин дилдан қутламоқчиман. Чунки сиз инсонлар тақдирига бефарқ эмас экансиз. Сиз Рухшонахонни сабр билан тинглаб, бу воқеани газетага ёзиб, жуда тўғри иш қилибсиз. Ўзбек мақолларимизда айтилганидек: “Тирикликда сийлашган яхши, ғарибликда мунглашган!”

Мақолани ўқиркanman, ушбу мулоҳазаларга бордим: Рухшонахон, сизни келин қилиб, шу иболи қиздан эвара-чеварa кўрсам, авлодим гўзал бўлсин дея орзу қилгандир-у, сиз нима қилиб қўйдингиз?! Инсонга умр бир марта бериладику. Шу умрни яқинларимиз дилига озор бериш билан ўтказсак, унда дунёга келиб нима қилдик?!

Менинг қайнонам доимо: “Болам, уйнинг икки бурчаги бўлади, бириси ёғ бўлса, бириси қон. Қонини ютиб, ёғига эришасан. Уриш-жанжал ҳамма рўзғорда бўлади. Қадимгилар: “Бошимдан қилич айланиб турса-да, кўз очиб кўрганимдан қўймасин”, дейишган”, - дердилар.

Рухшонахон алла эшитганингиз эсингиздан чиққан бўлса, ёр-ёр айтиб узатишгандир:

*Дастурхонинг ош бўлсин,*
*Товоқларинг тош бўлсин,*
*Душман кўзи ёш бўлсин,*
*Ота-онанг шод бўлсин, ёр-ёр,* - деб айтиладиган алёрлар бор.

Қишлоғимиздаги отинойи (бизда ходим дейилади) қиз узатилаётганда ҳамманинг қўлларини баланд кўтаришларини сўрайди ва шундай деб фотиҳа беради:

- Омин, борган хонадонингга барака олиб боргайсан, қутлуғ қадам бўлгайсан, узумдек мева бергайсан, гужумдек соя бергайсан, тўғраганинг мой бўлсин, тукқанинг ҳар доим эгизак чақалоқ бўлсин, борган ерингга тошдек ўрнаш, ота уйингга шодлик билан кириб келгайсан. Қўшганинг билан қўша қариб, элюртга, борган ерингга хизматинг буюрсин...

Сиз шуларнинг қайси бирини бажара олдингиз?

Азизим! Агарда келгусида яна турмуш қуриш насиб қилса (ҳеч кимнинг ҳам умид чироғи ўчмасин), оқилалик, фаросат билан умргузаронлик қилиб, бахтли бўлинг! Оналарни хафа қилманг. Уларни йиғлатманг, еру кўк йиғлайдики, ундан ёмон фожиа йўқ. “Қайин ўтирган томдан ўтма”, деган гапни эшитмаганмисиз?!

**ФОТИМА,**
**Хоразм вилояти.**

# ЭСИНГИЗДАМИ?

**“Файзли келинлар фазилатлари” - 11-сон**

**ЭСЛАТМА: Ҳаётим давомида ибратли, файзли келинларни кўп-кўп учратдим. Улардан айримлари ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.**

**Муаллиф: С. Бекмирзаева.**

Сайёра опа! Сизга ҳурмат ва ҳавасим боис, қўлимга қалам олиб, хат ёзишга жазм этдим. Ҳар сафар “Саодат” журналида, кўпроқ “Оила ва жамият” газетасида босилган мақолангизни ўқир эканман, бу киши ўша Самарқанддаги 64-ўрта мактабда бирга ишлаганимиз Сайёра опа бўлиши керак, деб тахмин қиламан.

Эсингиздами, сиз янги келинлик пайтингизда атлас кўйлак билан тандир бошига бориб, нон ёпмоқчи бўлганингиз?! Шунда кўпни кўрган қайнонангиз одмироқ кўйлак кийиб чиқишингизни айтганда, сиз: “Атлас кўйлакларим кўп-ку, нима қилади”? деб ёшлик қилиб жавоб берганингиз, кейин у киши: “Гап кўйлакнинг кўплигида эмас, гап фаросатда!” - деб оқилалик билан ўз оналик бурчларини бажарганларини тўғри қабул қилиб, айтиб берганингиз. Ўша пайтда мен каби қанча ёш келинларга бир сабоқ бўлган эди.

Ушбу мақолаларингиз орқали ҳаётий ҳақиқатларни содда, ўзбекона ҳикоя қилиб беришингиз билан ўзбекнинг ўзлигини англашга, шарқона тақаллуф, одоб, самимийлик, дилбарлик, фидойилик каби фазилатлар халқимизга хос бўлган хислатлар эканлигини кўпчиликка ҳавола этаяпсиз. Ҳозирги Европага тақлид кучайиб бораётган бир даврда, маънавиятимиз, қадриятларимиз ҳақида куюниб ёзган мақолаларингиз билан ўзбек хонадонларига кириб боришингиз айни муддао.

Сайёра опа, ўзингиз ҳам икки тарафлама қайнона, қатор набираларнинг бувижониси бўлгандирсиз, албатта. Қайноналикнинг масъулияти-ю, ёшларга бош-қош бўлишдек бурч ҳам зиммангизга тушгандир?

Хат ёзаяпман, сиз ўша Сайёра опами, бошқа фамилиядошми деган ўй ҳар замон хаёлимдан кечади.

Ўша пайтларда (1992 йиллар) мен ҳам ёш келин эдим. Ҳозир ўғилларимнинг бўйи бўйимдан баланд. Эртанги кун орзуси билан 4 нафар (3 ўғил, 1 қиз) фарзандларни тарбиялаяпмиз. Уларнинг камтарин, меҳнатсевар, касб-ҳунар эгалари бўлиб етишишида қайнонам, қайнотамнинг ҳиссалари катта. Мен бир умр улардан миннатдорман. Эрта-индин ўғилларни уйлантириш ташвиши, келин танлаш бизнинг бошга ҳам тушади. Ўғилларимнинг қанча меҳнатсевар, меҳрибон, камтарин қилиб тарбиялаётган бўлсак, келажакда ақл-фаросатли, диёнатли, хушфеъл келинлар атаган бўлсин, деб ниятлар қиламан. Аввало, яратганнинг ўзи ҳар бир қалбга инсоф уруғини сочган бўлсин.

***Сизга сиҳат-саломатлик, ижодий ишингизда омад, оилангизга фароғат тилаб, самарқандлик синглингиз***

**Ирода РАҲМАТОВА.**

# САВОБ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**“Орзунинг орзуси” - 18-сон**

**ЭСЛАТМА: Орзу исмли қиз Озодбек исмли ногирон йигитни севишини айтиб, у билан турмуш қурсам «Фарзанд кўра олармиканман»,- дея ўйга ботди.**

**Муаллиф: Наргизабону**

Ўшанда уруш энди тугаганди. Икки оёғидан ўқ еб, ногирон бўлиб келган Омонбой исмли йигит ўз юртига - оила аъзолари бағрига қайтади. Оёғидаги ўқ бутун танасига таъсир қилади. Шифокорларнинг унинг икки оёғини тиззасидан кесиб ташлашдан бошқа иложлари қолмайди. У хотираси тиниқ, ўддабурон, 32 ёшлардаги йигит эди. Шундай йигитнинг аравачага михланиб қолиши даҳшатли ҳол. Унинг ҳисоб-китобга ҳам усталигини кўрган ёнгинасида жойлашган мактабнинг математика ўқитувчиси йигитга дарс бериб туради. Унинг зеҳнлилигини эшитган қизлар ҳам унинг олдига тез-тез келиб, хабар олишади. Шунда 30 ёшлардаги қиз уни севиб қолади. Йигитнинг кўнглида ҳам севги ғунча очади. Лекин совчи юбориш учун қизнинг ота-онасидан андиша қилади.

Бу орада ўша қизга маҳалладаги 50-55 ёшлардаги бир эркакдан совчи келади. Аммо қиз розилик бермайди. Ўша икки оёғи йўқ Омонбойни севишини айтади. Қизнинг ота-онаси тушунган инсонлар экан. “Майли, қизимиз ўзи севибди-ку, кейинчалик армон қилиб юрмайди”,-деб тўйга рози бўлишади.

Тўй бўлиб ўтади. Бир йил ўтмай келинчак ҳомиладор бўлади. Қизнинг ота-онаси ҳам хурсанд. Уларнинг оиласида яна кетма-кет икки нафар қиз туғилади. Улар аҳил ва бахтли ҳаёт кечиришди.

Қизим Орзухон, жуда тушунган, инсофли, диёнатли қиз экансиз. Озодбек икковларингиз турмуш қуришларингиз учун ота-оналарингиз розилик беришларини жуда-жуда истайман. Сизлар албатта бахтли бўласизлар, фарзанд кўрасизлар. Бу савоб ишингиз жавобсиз қолмайди.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Қизларим УМИДАХОН ва САИДАХОН!**
Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизларга кетмас бахт тилайман. Илоё соғ бўлиб, узоқ умр кўринглар! Куёвларим билан қўша қариб, бахту саодатли бўлиб юринглар!
Онажонингиз Шоҳида





**Севимли ўғлимиз ФАЙЗУЛЛА!**
10 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Аъло баҳоларга ўқиб, ақлли, одобли бола бўлиб ўсгин. Соғ-омон бўл.
Яқинларинг.

**Жияним ШАХНОЗАОЙ!**
Таваллуд кунинг билан табриклаймиз! Соғ-омон бўлиб, ақлли қиз бўлиб улғайгин. Бахт-омад ёр бўлсин!
Амакинг Мухтор Бек
Қўқон шаҳри





**ШОЙИМ ака!**
Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Эл хизматида камарбаста бўлиб юраверинг.
Синглингиз София.

**БИБИШ опа!**
Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Хонадонингизни файзу барака, тинчлик-тотувлик, бахт ва омад асло тарк этмасин!
Яқинларингиз.





**Укажоним УЛУҒБЕК!**
Туғилган кунингиз билан табриклайман. Соғлик, тинчлик ва бахт доимо сизга ёр бўлсин!
Яқинларингиз.

**ФЕРУЗА опа!**
20 ёшингиз ва ўғлингиз МИРШОҲИДЖОНнинг 1 ёшни қаршилаётгани билан табриклайман. Ҳамиша соғ-саломат бўлинглар.
Укангиз Ферузжон.
Бухоро шаҳри.



# ЭШИКНИ ОЧИНГ, ОЙИЖОН!

**Турмуш сабоқлари**

Кўп қаватли уйда яшаганимиз учун, кўпинча, бизга рўпара жойлашган қўшни уйда нималар бўлаётгани балкон орқали кўриниб туради.

Бир куни кечки пайт, ошхонада овқатга уннаётсам, ёш боланинг бор овозда додлаб йиғлаётгани эшитилди. Қарасам, қўшни уйнинг учинчи қаватидаги бир хонадон деразасидан 5-6 ёшлардаги қизалоқ бошини чиқариб, қўлларини пастга узатганча бақирарди:

- Ойижон, қаердасиз? Ойижооон! Тезроқ келинг! Укам ҳозир ёниб кетади, ойижон! Эшикни очинглар. Ойижооон! Дадажооон! Укам ўлиб қoладиии!

Бир зумда қизча турган балкон пастига одам тўпланди.

- Ойинг қаерда?
- Уйда ким бор?
- Эшикни ичкаридан очоласанми?

Ташвишга тушган тўпланган одамлар кетма-кет савол беришар, қизалоқ эса бор овозда йиғлаб жавоб берарди:

- Ойим бозорга кетувдилар. Эшикни очолмаяпмааан. Укам холодильникнинг симини тортяпти. Ойижооон!

- Бор, укангни бошқа хонага ўтказиб қўй, қизим, - деди тўпланган кишилардан бири.

Қизча ичкарига кириб кетди. Бирпас ўтиб чиқиб келди-да:

- Кўтаролмаяпман, - деб йиғлай бошлади.

Қизча деразада пайдо бўлар, яна ичкарига кириб кетар, зум ўтмай яна деразага йиғлаб чирмашар, ёрдам сўрарди.

Турган одамлар бир қарорга келолмас, деразадан чиқай деса, имкони йўқ. Охири эшикни синдириб киришга келишиб, кимдир болта олиб келиш учун уйи томонга югуриб кетди.

Қизча эса йиғлашдан тинмасди. Ҳамма хавотирда, бесаранжом.

Бир маҳал узоқдан қизчанинг ойиси кўринди. Қизининг "Ойижооон!" деб йиғлаётганини кўриб, қўлидаги сумкани ташлаб юборди-ю, жон ҳолатда югурди. Рангида-ранг қолмаган онанинг аҳволини тасаввур қилинг. Чўнтагидан калитни олиб, эшикни очишга ҳам ҳоли қолмади.

Бир-иккита қўшни аёллар унинг орқасидан кирдик.

Қизча йиғлаб хун бўлиб қолган, ерда эмаклаб юрган болакай атрофга ҳайрон бўлиб қарайди. Иккала боласини бағрига босиб: "Худога шукур, худога шукур", деяётган қўшни аёлга сув бериб тинчлантирдик. Чиндан ҳам холодильникнинг сими чиқиб қолган, сал нарироқда яна қандайдир симлар бетартиб ётар, газ плитасида овқат биқирлаб қайнарди. Ярим соат ичида қизалоқ ваҳимага тушган, қаттиқ қўрққан. Болаларини қаровсиз қолдирган онага бу жуда катта сабоқ бўлди.

Болалигимда кўчамиздан бир одам ўтарди. Доим бошини эгилтириб, жим юрадиган у одамни ҳамма: "Тўрт боласи ўлган одам" деб аташарди. Бир куни ўша одамнинг бошига тушган мусибатни онам айтиб бердилар...

Кунларнинг бирида эру хотин қўшни туманга меҳмондорчиликка кетиб, тўртта боласининг устидан қулфлаб кетишган, ўша тунда бехосдан чиққан олов туфайли уйининг кули кўкка совирилган, тўрттала боласи ҳам ёниб кетган экан. Қутқаргани келган одамларнинг қўлидан ҳеч нарса келмаган. Болаларининг чинқириғи эшитилиб турган, лекин деразалар панжарали, эшиклар қулф бўлган... "Дераза панжарасига ёпишиб қолган боласининг жасадини, зўрға олишган эди", - деб йиғлаб эслардилар онам.

Бир озгина эътиборсизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик жуда катта фожиаларнинг сабабчиси бўлиши мумкинлигига ҳаётда далиллар беҳисоб.

- Шаҳримизда ҳар куни ёнғинлар содир этилади, - дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, катта лейтенант Муслима Раҳимова. - Уларнинг келиб чиқиш сабаблари турли бўлса-да, оқибати бир хил - ёнғин. Буларнинг аксарияти назоратсиз қолган болалар томонидан содир этилаётгани аянчлидир. Шаҳримизда 2007 йилнинг шу кунига қадар 421 та ёнғин келиб чиққан. Ушбу ёнғинларда 10 инсон халок бўлди ва 8 таси жиддий тан жароҳати олиб, Куйганлар Марказига даволанишга юборилди. Содир этилган ёнғинларнинг 38 таси болалар шўхлиги натижасидадир.

Ҳар қандай шароитда болани қаровсиз қолдириб бўлмайди. Уйдаги электр, газ плитаси, сув кранларининг маҳкам ва хавфсиз эканлиги доим катталар назоратида бўлиши керак. Болани ҳам хавфсизлик қоидаларига, эътиборли бўлишга ўргатиб боришни унутмаслик лозим.

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

# ЎН ЙИЛ ОЛДИН...

**Туш таъбирномаси**

- Биз асли андижонликмиз, - дейди суҳбатдошим Яйра опа. - Тақдир тақозоси билан шу юртларга келиб қолдик. Буниям тарихи узун...

Ўзим катта чеварман. Болалар кўйлагию, эркаклар костюм-шимигача тикаман. Етти авлод-аждодимиз чевар ўтган экан.

Кунларнинг бирида дадам туш кўрибди. Тушида тўр тўқиб ўтирган экан. Шу маҳал олдига бобом келибди-да: "Тез ишингни тугат, сени олиб кетгани келдим", дебди. "Ие, дада, менинг ишларим ҳали-бери тугамайди-ку", деса, бобом: "Унда, мана бу занжир сенга омонат, сенга ўн йил муҳлат", - деб кўздан ғойиб бўлибди.

Дадам қараса, бўйнида узун занжир эмиш...

Уйғониб кетиб, тушини бизга нонушта қилиб ўтириб, айтиб берди. Аям: "Дадаси, дадангизнинг арвоҳи сизу биздан умидвор бўлгандир... Жа-а занжир боғлаб кетмас", - дея ҳазил қилган бўлиб, кечга худойи қилдилар.

Мен ҳеч кимга билдирмай, шу кун санасини ёзиб қўйдим. 1984 йил 3 август... Орадан ўн йил ўтиб, соппа-соғ юрган дадам бирданига оламдан ўтдилар. Бир ой ўтгач, қайнонам дунёдан кўз юмдилар. Йилини бериб улгурмай, икки овсиним қайтиш қилишди.

Икки йил бўлиб-бўлмай, оиламиз аъзоларидан ўн икки киши боқий дунёга рихлат қилишди. Кетма-кет келган мусибатлардан карахт эдик.

- Энди бинодарлар, Яратганнинг иродасига қарши чиқмоқ душвор, - деди ўша паллада кўпни кўрган Исоқул ҳожи қариндош-уруғлар йиғилганда. - Ўлим - ҳақ. Аммо шунча майит кўмдингиз, азалар ҳалқадек боғланиб кетди. Қолганларнинг умрини берсин десангиз, жой ўзгартиринг. Шунда мусибатнинг йўли тўсилади.

Ўшанда тўнғич ўғлим Чирчиқдаги ҳарбий ўқишга кирган, кенжа ўғлим ТошДУ талабаси эди. Оилам билан маслаҳатлашиб, пойтахтга кўчиб келдик.

Яшаб, шаҳар муҳитига ўрнашгачгина дадамнинг кўрган тушини эсладим. Бўйинга тақилган занжир, ўн йилдан сўнг рўёбга чиққан туш, оиламиз бошига тушган мусибатлар экан.

- Инсоннинг боши тошдан, иродаси темирдан қаттиқ дейишади. Сабр берсин, - дедим уларга таскин бериб.

**Фарида ТОҲИРОВА**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ишларингиз бир оз кейинга сурилади. Ҳафта охирида ўзингиз ва оилангиз билан дам олишингиз учун имконият пайдо бўлади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Уй-рўзғорингизни яхшилашга оид режаларингиз амалга ошади. Кўпдан буён кўришмаган яқинларингиз меҳмонга келишади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ҳаётингизда пайдо бўлган мумамони бартараф этиш учун анчагина кучғайрат сарфлашингизга тўғри келади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ишда ва оилангизда муҳим қарорлар қабул қиласиз. Ҳужжатларни имзолашда эҳтиёт бўлишингиз лозим. Акс ҳолда, кўнгилсизлик чиқиши мумкин.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳафта давомида оилангизда анчагина ўзгаришлар юз беради. Эшитган хабарингизга асосан, сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Маблағ етишмаслиги оқибатида жиддий муаммолар пайдо бўлади. Қимматбаҳо техника воситалар сотиб олмасликка ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Бошланган ҳафтанинг учинчи куни омадли кун ҳисобланади. Бироқ, ишга доир музокараларда шартнома тузишга шошилманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Кўп ишларингиз билан муваффақиятларга эришасиз. Ишга тегишли ҳужжатларингизни ишончли жойда сақлаганингиз маъқул.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Саломатлигингиз ҳақида қайғуришингизга тўғри келади. Дўстларингиз кўпаяди. Ҳамкорларингиз сизни қўллашади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Бу ҳафтада фақат дам олинг. Зарур ҳужжатларни имзолашни бошқа пайтга қолдиринг. Берган ваъдангизни устидан чиқишга уриниг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Ҳамкорларингиз панд беришига йўл қўйманг. Шанба куни эса харидлар қилиб, дўстларингиз билан кўнгилли дам олинг.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Шахсий ишларингиз билан банд бўласиз. Хушхабар эшитиб, хурсанд бўласиз. Якшанба куни яхши инсонлар билан танишасиз.



**Китобингизни ўқидим**

***Кейинги бир-икки йил оралиғида фаол муаллифларимиздан бири Насиба Ризаеванинг "Совға", "Руҳимнинг рақси", "Баҳор рақси" деб номланган китоблари чоп этилди.***

# КЎНГИЛ ОДАМИ

Саранжом бекалар қизи туғилганидан бошлаб сандиғига сеп ташлайди. Вақти-соати етиб, қизи узатиладиган бўлганида худди биров тайёрлаб бергандай олдига чиқади.

Истеъдодли шоира, адиба Насиба Ризаева - Дилсўзнинг кетма-кет чоп эттирган китобчаларини кўриб, саранжом бекалар эсимга келди. Эҳтимол, Насибахон кўпдан буён ёзар (китобдаги шеърлар остига қўйилган саналар айтиб турибди буни), аммо мен бу шоирани излаб, ўқий бошлаганимга унча кўп бўлмади. Бундан уч-тўрт йил аввал бўлса керак, бош муҳарриримиз ("Саодат" журнали) қўлимга бир даста шеър бердилар.

- ...Сатрлари равон, туйғулари тиниқ экан, - дедилар.

Дарҳақиқат, Насибахоннинг шеърларига энг аниқ таъриф шу бўлса керак - равон, тиниқ. Унинг 2006 йилда чоп этилган **"Совға"** тўпламига 11 та ҳикоя киритилган. Муаллифнинг қаҳрамонлари орамиздаги одамлар. Уларда ҳеч қандай ғайритабиий хислатлар йўқ. Кечинмаларида фавқулодда ҳодисалар учрамайди. Аммо қаҳрамонларининг юраклари худди юзада турганга ўхшайди. Кўкрак қафаси билан тўсилмагандай. Дейлик, "Совға" ҳикояси... Севара табиат манзаралари, гуллар, гулзорларга қараб суюнадиган аёл... Эри дўстининг илтимосига кўра, кўтариб келган кимгадир аталган гулдастани ўзига деб ўйлайди. Янглишганини билиб "исён" қилади.

- Кичкинагина гулдастани қўшиб олсангиз нима бўларди? - дейди. Жуда кўп аёлларнинг қалбидан кечадиган ҳолат. Аёл ҳамма юмушни қилади. Эрининг инжиқликлари, болаларининг хархашаси - ҳамма нарсани кўтаради. Аммо ора-чорада кичкина бир эътибор, кичкина бир меҳр истайди...

Муаллифнинг барча ҳикоялари ана шундай одатий, оддий, аммо дилга жуда яқин воқеалар асосида қурилган. У нимани ёзишни билади. Унинг ҳикояларини ўқиб, қалбидаги кечинмалари билан ёнимизда яшаётган ҳар бир инсон китобга қаҳрамон бўлиши мумкинлигини англаймиз. Дунё ичидаги дунё бу инсон эканлигига амин бўламиз.

Насибахон 2006 йилда чоп эттирган шеърий тўпламини "Руҳимнинг рақси", 2007 йилдагиси эса "Баҳор эртаклари" дея номлабди. Аслида, шеърни шарҳлаш, шеърга муносабат билдириш - нисбий бир нарса. Шеърни эшитиб, ўқиб маза қилиш керак. Ҳамма шеър ҳақида ҳам шундай дейиш қийинку-я, аммо Насибахоннинг ҳар иккала тўпламида кўнгилни уйғотадиган шеърлар кўп.

***Япроқлар тикилиб тургандай,***
***Япроқларнинг кўзлари қани?***
***Уларнинг кўзидан ўпайин,***
***Лабларимга қўйиб майсани.***

***Боғларимга босаман осмонни -***
***Осмон бағрим каби кенгмикан?***
***Кўзимга суртаман тупроқни -***
***Кўзим нури билан тенгмикан!***

"Япроқларнинг кўзидан ўпиш...", "Тупроқни кўзга суриш" - инсон қалбининг энг тоза, покиза лаҳзаларидаги истак бу.

Шеърнинг вазифаси шу асли. Киши қалбида - энг мусаффо ҳиссиётларни уйғотиш. Дунёга худди шу ҳиссиётлар дарчасидан қаратиш...

***Бодомнинг соғинчи бунча оқ,***
***Бағримга босай, у гулларни.***
***Кўзларимга суртиб ўпайин,***
***Уйғотинг мудраган дилларни,***
***Гуллаган соғинчлар, кўпайинг!***

Насибахоннинг ҳар иккала тўпламида кўзга ташланиб турадиган яна бир жиҳат бор: бу лирик "Мен"нинг курашчанлиги. Ўз сўзи, ўз ҳиссиётларини мардона туриб ҳимоя қилиши.

***Бунча бефарқ, бунча лоқайдсан,***
***Осмон қулаб тушса нетади?***
***Айтарингни бу кун айт, айтсанг,***
***Бир кун Эгам олиб кетади.***

***...Кўксим ишқнинг каъбаси, бош ур,***
***Шум айрилиқ кутаркан мудом.***
***Йўлларингни мен томонга бур,***
***Ёлвораман, азизим одам!***

***...Жуфтим-ей, соғинсин бармоқларингиз,***
***Уни сочларимга айтгиси келсин!***
***Ихтиёри сизда бўлса-да ҳаргиз,***
***Доим сочларимга қайтгиси келсин!***

Шоира қайси мавзуда ёзса ҳам, ана шу курашчанлик мавзуга нур беради.

Насибахоннинг шеърларида "бахт" сўзи кўп учрайди. Эҳтимол, баъзан шеърда бот-бот "бахт" сўзи учрайверса, одамнинг ғаши келиши мумкин. Аммо Насибахонда бу сўз ўзини оқлайди.

***Аммо бахтдан сўйлайман фақат,***
***Доим бахтни куйлашим тайин.***
***...Юрак бўлиб урганда Ватан...***

Тўғриси, руҳиятимга жуда яқин бўлгани учун бундай сатрларни ўқиганимда ёқимли бир кайфиятга тушаман. Юрак Ватан бўлиб урган дамлардаги бахтдан чиройлироқ бахт борми? Бугун шеър ёзиш учун кучли, некбин, иродали, самимий инсон бўлиш керак. Агар шу фазилатлар бўлмаса, у шеър ёзолмайди, ёзса-да, ёзгани бошқаларни шеърдан бездиради. Насиба Дилсўзнинг тўпламларида эса ўша сифатларга эга инсон қалби уриб турибди. Бундан фақат қувонмоқ керак.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**


# ЭЪЛОНЛАР

**ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎМКҲТ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

***2007-2008 ўқув йилига 9-синфни битирувчи Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизларни ўқишга таклиф этади. Ўқиш муддати 3 йил.***

**1.** Метрополитен электр жиҳозлари вагонларини ишлатиш ва таъмирлаш;
**2.** Метрополитен станциялари, бекат хўжаликларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;
**3.** Компьютер, компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларнинг дастурий таъминоти;
**4.** Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш:
"В" ёки "ВС" тоифали ҳайдовчиси;
**5.** Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш:
"В" ёки "ВС" тоифали ҳайдовчиси;
**6.** Молия;
**7.** Солиқлар ва солиққа тортиш;
**8.** Бухгалтерия ҳисоби.

**2007-2008 ўқув йилига 11-синф битирувчи Тошкентда яшовчи йигит ва қизларни шартнома асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилади. Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда)**

**1.Метрополитен электр жиҳозлари вагонларини ишлатиш ва таъминлаш:**
➔ Машинист ёрдамчиси;
➔ Ҳаракатдаги таркибнинг механик ва пневматик жиҳозларини таъмирлаш чилангар механиги;
➔ Метрополитен вагонлари электр жиҳозларини таъминлаш электриги;

**2.Солиқлар ва солиққа тортиш:**
➔ Солиққа тортиш бўйича мутахассис, бухгалтер;
➔ Солиқ хужжатларини электрон қайта ишлаш мутахассиси;

➔ Ўқишга кирувчилар қуйидаги хужжатларни топширадилар:
**1.** Ариза;
**2.** Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (нусхаси);
**3.** Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси ва нусхаси);
**4.** Яшаш жойидан маълумотнома;
**5.** 6 дона 3х4 фотосурат;
**6.** Тиббий маълумотнома (86,63 форма).

**Манзилгоҳимиз: Чилонзор д, 20-даҳаси, 35а-уй автобуслар: 69, трамвай 17, "Коллеж" бекати. Телефон: 116-21-74, 116-38-54.**

**АБДУРАҲМОН** хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ª-уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

**Буюртмага қўй ҳасипи тайёрлайман. Тел: 191-04-63**

Тошкент шаҳридаги Бизнес мактабдан **Волкова Анна Анатольевна**га берилган **(Руйхат № 36517) КХТ 000942** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.


# ИХТИРОЛАР САРГУЗАШТИ

*Биласизми?*

**АНИҚ ВАҚТ СИГНАЛИГА ҚАДАР**

Ҳозир радио ва телевидениедан аниқ вақт ҳақида дарак берувчи сигналларни эшитасиз. Соат неча бўлганини телефон орқали аниқлаш ҳам мумкин. Илгари-чи? Грецияда, масалан, Афина шаҳрининг марказий ҳиёбонида улкан қуёш соатлари бўлган. Чопарлар шу соатларга қарашганда, шаҳарнинг чекка мавзеларига югуриб, арзимаган чақалар эвазига вақтнинг неча бўлганини айтиб юришган... Ўрта асрларда қўнғироғи жаранглайдиган минорали соатлар қуришган. Бундай соатлар ҳозир ҳам учрайди. Келгусида радиосоатлар кўп тарқаса керак. У жажжигина қўл приёмниги бўлиб, қулоғини бурашингиз билан диктор соат неча бўлганини айтаверади.

**ВЕЛОСИПЕДГА ҚАДАР**

Иккита катта ғилдирак устига ўрнатилган ёғоч тўсин илгари самокат вазифасини ўтаган. Баъзан уни ирғишлаётган от кўринишида ишлашган. 1817 йилда немис ихтирочиси Драйс тўсинга ўриндиқ - эгар ўрнатган, сўнг олд ғилдиракни бошқариладиган қилиб ясаган. Қарабсизки, велосипед тайёр-да! "Педал-чи?" дейсизми? Ҳа-я, педаль 1845 йилда кашф қилинган. Унга қадар эса велосипед худди самокатга ўхшаб, ерга оёқ тираб - силтаб ҳайдалган. Ҳозир велосипеднинг аллақанча хили бор десак, муболаға бўлмайди. Бир ўринли, икки, уч ва бир ғилдиракли... Пойга велосипеди, йиғма велосипед, юк ташувчи велосипед ва ҳоказо...

**ГРАМПЛАСТИНКАГА ҚАДАР**

Зар қоғоз қопланган ғўлани кўз олдингизга келтиринг. Овозни кучайтирувчи карнайга уланган игнанинг учи ўша ғўлага тегиб турибди. Ғўла секин айланаяпти. Овозни кучайтирувчи карнайга гапирилса товуш зарбидан игна ҳаракатга келади ва унинг учи зарқоғозга дам катта, дам ингичка из ўяди ва бу билан товуш йўлчалари ҳосил бўлади. 1877 йили америкалик ихтирочи Эдисон яратган товуш ёзиш ва овоз эшитиш аппарати - фонограф шу йўсинда ишлаган. 1888 йили эса немис ихтирочиси Берлинер фонограф ғўласи ўрнига айланувчи таглик ўрнатди. Шу баҳона грампластинка келиб чиқди.

**Омонулла АБДУСАЛОМОВ**

## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН



### СЕН КУЛГАНДА

*Сен кулганда кулар юлдуз,
Осмонда ой кулади.
Сен кулганда кечам-кундуз,
Шарқироқ сой кулади.*

*Сен кулганда боғлар чаман,
Биллур шабнам ярақлар.
Эртам ёруғ, бугуним шаън,
Умр йўлим чарақлар.*

*Вужудимга оққан қўшиқ,
Наводан фориғ қилмай.
Кулиб қара, яшасин ишқ
Тўла дил армон билмай!*

*Омонатдир бугун кўкда
Порлаб турган шу қуёш.
Гиналарни кирдай тўк-да,
Покланиб ол тўкиб ёш.*

*Ёшлар ювган кўзларингда
Нурлар қалқиб нени дер?
Қачон тошга айланган дил
Илиб ёлғиз мени дер?*

*Гоҳ олдинда оққан сувни
Қадрламай гумроҳмиз.
Кимга ташлаб чўғ, гулувни,
Кимга чоҳ, кимга моҳмиз.*

*Ўн кун аввал кўрганларинг
Ўн йилдан сўнг борми, айт?
Кеча ҳолин сўрганларинг
Қаёққа кетди бу пайт?*

*Ўхшаб кўклам ҳавосига,
Бу дунёнинг жилваси кўп.
Айланиб дил жафосига,
Кўзга тушар қадрсиз чўп.*

*Сен кулганда олам кулар,
Ошиқ дилга кулиб қара.
Севиб рашку алам қилар,
Ошиқлигин билиб қара!*

### БИР ОДАМ БОР

*Бир одам бор - ёмон кўраман,
Лекин ҳамон омон кўраман,
Кўринмайди ёмон кунимда,
Ҳамиша хуш замон кўраман.*

*Ҳаволаган орзу-нияти,
Унга камлик қилар ер гоҳо,
Саховати, самимияти
Аро яшар журъатда танҳо.*

*Уни аяб турсам кечиринг,
Кечиринг юзхотирлик учун,
Андишали қушим учиринг,
Сўнг ғийбат - сўз ботирлик учун!*

*Асли унинг йўқлиги яхши,
Унингсиз дил тўқлиги яхши,
Айриликдан озурда жоннинг
Фироқларда чўғлиги яхши!*

*Аммо яна мўътадил кўнгил
Хотиржам бир ҳолатга кириб,
Унинг билан ёзмоқда чигил,
Аҳволимга берганча фириб...*

*Оқибатда соф ҳисларимнинг
Осмонидан кетдим узоқлаб,
Нияти пок, холисларимнинг
Дийдорини юракда сақлаб.*

*Бир одам бор - ёмон кўраман,
Лекин ҳамон омон кўраман,
Кўрмай дейман, талпинар кўнгил,
Истаган ҳар замон кўраман.*

*Сўзларида самовотимни,
Кўзларида осмон кўраман,
Бой берилган ҳаловатимни
Имконимдек осон кўраман!..*

### ЮРАГИМ

*Ёмон бўлаяпти юрагим,
Гумон бўлаяпти юрмагим,
Бу оламда—шодлик аламда,
Армон бўлаяпти турмагим.*

*Мен қарийб яшабман ғариб,
Рашкдан қариб, севгидан ариб.
Тилим лолдир, дилга малолдир,
Ҳаётимни айласам таъриф.*

*Дўстлар, тандан айри хуш бўлиб,
Мен кетарман гўзал туш бўлиб.
Бу дунёда топган, йўқотган
Кунларимнинг барин туш билиб.*

*Жондошларим бошга йиғилар,
Полапондек ёшда бигиллар.
Жонга оро кирмас, жон бермас
Тепамда чарх урган йиғилар.*

*Ёмон бўлаяпти юрагим,
Гумон бўлаяпти юрмагим,
Рашкдан қариб, севгидан ариб,
Айтинг, шартми бунда турмагим?..*

**Умида АБДУАЗИМОВА**



*Умримни саболар ўйнаб яшайди,
Кўнглимни баҳорлар ўйлаб яшайди.
Армонлар қўшиғим куйлаб яшайди,
Яхшилик бир умр Мен билан дебман.*

*Йўлимда нокаслар учради ногаҳон,
Бошимга кулфатлар ёғилди беомон.
Гаровга қўйилди паноҳсиз, хор виждон,
Ёмонлик Сиз томон эканин билмабман.*

*Сохта қувончга гул тутиб яшадим,
Қанча ёлғонлар қўлида чўкиб яшадим.
Ғаразларни минг азобда ютиб яшадим,
Меҳр кўчалари бор, деб ўйлабман.*

*Таъналар заҳар-тош экан, билмабман,
Чидаган дўст-бардош экан, билмабман.
Йиғлаган шум - кўз ёш экан, билмабман,
Кимдир қўшиғимга зор... деб ўйлабман.*

### КЎНГЛИМ КЎЗМУНЧОҒИ

*Мен қорли тонглардан баҳорлар кутдим,
Қалбимга озорлар ёғилди майин.
Ҳар ситамли кундан сеҳргар кутдим,
Баттар узоқлашдим, кутганим сайин.*

*Баъзан гул ўрнида тиканлар ўрдим,
Сохта дўстлар кулиб, қўлимни ўпди.
Арзон меҳрларга харидор бўлдим,
Ғанимнинг жуфт кўзи изимни топди.
Кечдим қалбим мулки -изтироблардан,
Жонимда илоҳий исёнлар тинди.
Фитналар гуллади шўр азоблардан,
Кўнглим кўзмунчоғин кўзлари синди...*

*Тонглардан беҳуда баҳорлар кутдим...*

### БИЗНИНГ ФАЛСАФАМИЗ

*Сиз дунё ҳақида
Кенгроқ ўйлайсиз:
Мансаб, машиналар,
Баланд иморат.
Чексиз олқишлару
Худбин орзулар.
Узатса осмонга
Етадиган қўл...
Мен дунё ҳақида
Торроқ ўйлайман:
Бошимда бир паноҳ,
Фарзанд - уйда чироқ.
Ғамга шерик дўст.
Меҳрдан бир томчи-
Оддий, ширин сўз.
Сарғайган бўлса ҳам
Миннати йўқ гул...*

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
*Навоий вилояти*



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### БОШОҚЛИ ЎСИМЛИКЛАР НЕГА КЕРАК?

Буғдой, арпа, жавдар, сули, маккажўхори, шоли бошоқли ўсимликлар ҳисобланади. Буғдой ва жавдардан одатда ун олинади. Шоли эса оқланиб, гуруч ҳолида истеъмол қилинади. Маккажўхори, сули ва арпа ҳам турли таомлар тайёрлашда ишлатилади. Шунингдек, бошоқ-



ли ўсимликлардан парранда ва уй ҳайвонлари учун озуқа сифатида ҳам фойдаланилади.

Шакарқамиш ва бамбук ҳам бошоқли ўсимликлар тоифасига киради. Аммо инсонлар учун уларнинг бошоғи эмас, балки танаси фойдали ҳисобланади. Яъни шакарқамишнинг танасини қайта ишлаш жараёнида ундан шакар олинади. Бамбукнинг танаси ёш ва юмшоқ пайтида овқатга ишлатилади.

### САВАННАЛАР ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Африканинг субтропик минтақасида жойлашган чўллар саванна деб аталади. Бу ҳудудда ёз узоқ давом этади ва қуруқ ҳамда иссиқ бўлади. Фақат қишдагина саваннага оз миқдорда ёмғир ёғади. Саваннада асосан, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар, буталар ва айрим турдаги дарахтлар ўсади.

Саванналарда жирафа, фил, зебра, антилопа, шер, чиябўри, туяқуш каби ҳайвон ва паррандалар кун кечиради. Энг катта саванналар Африканинг шимолий-ғарбида: Конго ва Нигер дарёлари оралиғида жойлашган. Африка саванналарига ўхшаш ҳудудлар Осиё жанубида, Австралия шимолида ва Бразилия, Венесуэлада ҳам учрайди.

### БУТАЗОР НИМА?

Одатда бўйи бир метрдан ошмайдиган ўсимликлар бута деб аталади. Уларнинг танаси унча йўғон бўлмаса-да, мустаҳкам ва қаттиқлиги билан ажралиб туради. Буталар асосан иқлими иссиқ ва намлик кам бўлган ҳудудларда ўсади. Шунинг учун уларнинг барглари танасидаги намни узоқ сақлаб туришга мослашган майда ва қаттиқ, илдизлари эса ерга жуда чуқур кириб борган бўлади.

Наъматак, саксовул, шўра кабилар бута ҳисобланади. Аксарият буталар баҳорда қийғос гуллайди, уларнинг ҳиди майин ва ёқимли бўлади.

### ЎСИМЛИКНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИ

Ўсимликлар, шу жумладан, дарахтлар ҳам илдиз, тана, шохлар ва барглардан тузилган бўлади.

Ўсимликларнинг илдизи ер остида жойлашган бўлиб, уларнинг учта асосий вазифаси бор. **Биринчидан,** ўсимлик айнан мана шу илдизлари ёрдамида ерга маҳкам ўрнашиб олади. **Иккинчидан,** илдизи орқали тупроқдан сув ва ўзи учун зарур бошқа озуқаларни олади. **Учинчидан,** илдизида намлик ва озуқа моддалар сақлайди.

Ўсимликнинг танаси илдиздан фарқли равишда юқорига - ёруғликка қараб ўсади. Тана баргларни, гулларни ва меваларни тутиб туради. Шунингдек, ўсимлик ва дарахтлар танасидаги кўзга кўринмас томирлар орқали сув ва бошқа фойдали озуқа моддалар айланиб туради, ҳамда барглар ва меваларни озиқлантиради.

Барглар ҳам ўсимлик ва дарахтларнинг зарур аъзоларидан бири ҳисобланади. Барглар баҳорда пайдо бўладиган майда куртаклардан ўсиб чиқади. Улар таркибида хлорофилл бўлгани боис одатда ранги яшил бўлади. Барглар қуёш энергиясини ютиб, ўсимлик ва дарахтларни тўйинтиради. Ҳаводаги зарарли газларни ютиб, кислород ажратиб чиқаради.

### НИНА БАРГЛИ ДАРАХТЛАР

Номидан ҳам кўриниб турибдики, нина баргли дарахтларнинг барглари ингичка, узун ва қаттиқ бўлиб, нинага ўхшаб кетади. Улар бошқа дарахтларнинг баргларидан фарқли равишда ҳеч қачон тўкилмайди ва қишин-ёзин яшил бўлиб тураверади.

Нина баргли дарахтларнинг уруғлари ҳам бошқа дарахтларникидан фарқланади. Одатда дарахтларнинг уруғи мевасининг ичида бўлса, нина баргли дарахтларда мева бўлмагани боис, уруғи конус шаклидаги ғуррачаларнинг ичида бўлади.

Арча, сосна, кедр кабилар нина баргли дарахтлар ҳисобланади. Кедр ёнғоғи, яъни унинг уруғи қушлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, инсон учун ҳам фойдали озуқа ҳисобланади. Шу боис уни таомларга қўшишади, халқ табобатида ҳам кенг фойдаланилади.

### НЕГА КУЗДА ДАРАХТЛАРНИНГ БАРГИ ТЎКИЛАДИ?

Кеч кузга бориб, аксарият дарахтларнинг барглари сарғайиб, тўкила бошлайди. Бунинг сабаби кузда кунларнинг аста-секин совуй бориши билан дарахтларнинг илдизи ердан нам ва озуқа моддалар олиши қийинлашади. Қишда эса тупроқ музлаши сабабли дарахт умуман намлик ва озуқа олмай қўяди. Агар барглар тўкилмаганда, дарахт илдизида ва танасида тўпланган заҳира сув ва озуқа япроқлар орқали буғланиб кетар, оқибатда дарахт қуриб қолган бўларди. Шу боис дарахтлар кузда баргини тўкади.

Аммо ер кур-



расининг қишда совуқ бўлмайдиган ва қор ёғмайдиган, шу боис ер музламайдиган ҳудудларида дарахтлар баргини тўкишига ҳожат йўқ. Шу туфайли улар ҳар доим ям-яшил бўлиб туради.

**ДАРМОН** тайёрлади.

Турмуш сабоқлари

# “БАНДАСИ ТАДБИР ҚИЛАДИ...”

Баҳор шаҳарга ўғри мушукдек кириб келди. Буни сезган - сезди, сезмаган ҳалигача эгнидаги қишки кийим-кечагию, бошидаги телпагини ташлагани йўқ.

Оқшом чўкаяпти. Туман туғруқхонасининг кенг ва файзли ҳовлисида “чақалоқ кўрди”га, “муборак бўлсин”га келиб-кетувчиларнинг қадами тинган пайт. Гулзорлар атрофи, йўлаклар бўйига ўрнатилган ўриндиқларда битта-иккитадан одам кўринади.

- Кенжа ўғлимизнинг икки фарзанди бор. Бугун учинчисини кутиб олишга келдик, - деб тушунтирди ҳозиргина ташқарига чиқиб, ўриндиқлардан бирига ўтирган навбатчи шифокорга ёнидаги олтмиш ёшларга бориб қолган зиёлинамо киши.

Врач чекиш учун чиққан экан, набира кутаётган бобога ҳам сигарет узатди.

- Раҳмат, чекмайман. Ташлаганимга беш йил бўлди.

- Қутулибсиз. Мен эса ташлаёлмай юрибман.

Бобо беш-олти қадам нарида турган “Нексия”си ичидан қўл телефонини олиб келди-да, аллақайси рақамларни терди.

- Ўғлим, қаердасан? Бухорода ҳали ишинг кўпми? Майли, ишларингни битириб бўлгач, тўғри туғруқхонага келгин. Мен ҳозиргина келинни онанг билан бирга олиб келдим. Ҳали анча кутишимизга тўғри келар экан. Шошилмасдан, машинани секинроқ ҳайдаб кел. Биз ўзимиз бохабар бўлиб турибмиз.

Бобо телефонини чўнтагига солди-да, ютоқиб сигарет чекаётган навбатчига изоҳ беришга тушди.

- Ўғлимизнинг дастлабки икки боласи қиз. Учинчисини келиннинг бўйида икки ойлик бўлар-бўлмас УЗИ аппаратига кўрсатишган экан. Ўғил бўлади, дебди. Шундан буён ўзида йўқ - хурсанд. Келиннинг бу ерга келганини эшитгач шошилиб, йўлда бир кори ҳолни бошламасин, дейман-да.

- Ҳа, ҳозирги ўғил кутаётган ёшлар дарров ҳомиланинг нималигини аниқлашга қизиқади. Аммо бунинг болага зиёни ҳам бор. Ахир, у ҳали бир парча гўшт бўлса, жинсини аниқлаш эса нур ёрдамида амалга оширилади, - деди навбатчи сигарет қолдиғини ўчириш учун тараддудланиб. - Бу нарса Хитой ва Ҳиндистонда жуда ривожланиб кетиб, у ерда бечора қизалоқларни аниқланиши биланоқ аборт қилдириш авж олгани, аҳвол шу тариқа давом этса, яқин 20 йил ичида эркаклар билан аёллар ўртасидаги баланс кескин фарқланиши, оқибатда у давлат олдида улкан муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги учун бу иш қонун йўли билан таъқиқланди.

- УЗИдаги шифокор бир ойдан кейин яна бир келасизлар, деган экан, биз - онаси иккимиз қўймадик. У пул олиш учун кел деяверади-да, зарари билан нима иши бор?..

- Бугун камдан-кам учрайдиган ҳолат - ўғиллар куни бўлди, - деди шифокор. - Эрталабдан буён бешта бола туғилди, ҳаммаси соғ-саломат ва барчаси ҳам ўғил. Майли, олтинчиси ҳам ўғил бўла қолсин. Сизлардан бирор соат илгари хотинини олиб келган бир йигит бор. - Врач улардан ўн қадамлар чамаси наридаги ўриндиқда ўтирган дўппили кишига ишора қилди. - Балки уники қиз бўлар. Учта ўғли бор экан. Эр-хотин иккиси қиз кутишаяпти. Бечора “тез ёрдам”га қўнғироқ қилолмай, тўлғоқ тутган хотинини велосипед билан олиб келибди.

- Тавба, ажабзамонлар бўлди-да, - деди бобо ҳамон тиббиёт, техника ривожига қойил қолиб, - биз хотинимиз туққанидан кейин бир ҳафта унга исм излар эдик. Ҳозирги ёшлар туғилажак боланинг жинсини олдиндан билиб олиб, унга ярим йил илгари ном топиб қўйишади. Бизнинг тадбиркор ўғил ҳам шундай қилди-да...

Навбатчи врач: “Мен аёллардан бир хабар олай-чи”, деб ичкарига кириб кетди. Орадан кўп ўтмай бобонинг аёли чиқди.

- Ҳа, тинчликми? - сўради эри.



- Тинчлик, ҳамшираю хизматчилар билан суҳбатлашиб ўтиргандим. Врач ташқарига чиқиб туринг, бу ерга бегона одамнинг кириши мумкин эмас, хушхабар бўлиб қолса, чиқиб айтишади, деди.

Орадан ярим соатлар чамаси ўтар-ўтмас, йўлакда бир қора “Ласетти” пайдо бўлди. Ундан йигирма олти - йигирма саккиз ёшлардаги йигит кулиб тушди. Унинг бир қўлида мобиль телефони, иккинчисида эса бир даста белбоғчаси узилмаган минг сўмлик пул.

- Ҳали бирор янгилик йўқми? - сўради тадбиркор ўғил ота-онасига яқинлашаркан.

- Ҳозирча йўқ, аммо ҳали-замон қойилмақом бир янгилик бўлишини кутиб ўтирибмиз, - деди ота қувончини яширолмай.

Йигитнинг кўзлари ҳаяжондан порларди.

- Хушхабарни олиб чиққаннинг устидан мана шу пулнинг ҳаммасини сочиб ташлайман!

Бобо билан буви бир-бирларига мамнун қараб олишди. Улар бўлажак “тарихий” воқеанинг ҳам гувоҳи, ҳам иштирокчиси бўлиш бахтидан энтикиб кетишди.

Шу пайт “тез ёрдам” машинаси келиб тўхтаб, ундан ёқалари крахмалланган оппоқ халатли семиз врачдан ташқари бир келинчак билан ёши каттароқ аёл тушди. Аёлнинг қўлида катта бўхчаси ҳам бор. Келинчакнинг бу даргоҳга илк бор келиши бўлса керак, ёки тўлғоқ азобидан эси оғибми қайси эшикдан киришни билмай, зинапоядан чиққач белини тутиб бир зум туриб қолди. Шунда уни олиб келган шифокор аёл тирсагидан ушлаб, ўнг томондаги эшикка қараб тортди.

Ҳар қандай кутиш кишини толиқтирди. Азоб. Аммо туғруқхона атрофидаги кутишнинг ўзига хос гашти бор. Бу ерда ҳар дақиқа, ҳар сонияда бир қувончли хабар эшитиш илинжида бўлган эр, ота-она, қайнона-ю, қайноталар инсоннинг дунёга минг бир қийинчилик билан келишини яхши билишади. “Илоҳо, соғ-саломат қутилиб олсин-да”, деб ўтиришади.

Туғруқхонанинг бугунги меҳмонлари - ҳикоямиз қаҳрамонларидан бобо билан бувининг андак ташвишли жойи - ўзларини гуноҳкордай ҳис этиб, чақалоқни бир ҳадик билан кутаётганининг бошқа сабаби ҳам бор. Улар бундан тўрт-беш йил муқаддам ўғилларини ҳоли-жонига қўймай ўз жиянларига уйлантиришган эди. Қариндошга қиз берган ҳам, қиз олган ҳам бир кун пушаймон бўлиши мумкинлигини улар анча кейин, невaралари туғила бошлагандан кейин сезиб қолишди. Гарчи иккала неварада жузъий иллат - бир оёғининг иккинчисидан озгина калталиги тезда даволаниб, асорат деярли қолмаган бўлса-да, улар учинчисидан хавфсирашар эди. Чунки қизларда кузатилмаган камчилик ўғил болада сезиларли бўлиши мумкин, деганди ортопед врач.

Орадан бирор соат ўтгач, туғруқхонага кириладиган эшик ғижирлаб очилди-да, ундан чиққан ҳамшира бобонинг хотинини имлаб чақирди. Буви унга яқинлашмасданоқ, “Неварача муборак бўлсин!” деган қутловни эшитди.

- Раҳмат, раҳмат, айланай... Нимамиз бор? - сўради аёл ва унинг жавобини ҳам кутмай ўғлини имлаб чақирди.

Қайнона невараси ўғил бўлишини билиб-сезиб турган бўлса-да, бу сўзни унинг оғзидан эшитишни жуда-жуда хоҳларди шу дамда.

Ота-ўғил икковлари ҳамшира томон югурдилар. Ўғил бояги бир даста пулни олиш учун қўлини чўнтагига тиқди.

- Қизча! - деди ҳамшира негадир маъюс тортиб.

- Ҳазиллашманг, ўғил бўлиши керак эди. Тошкентдаги УЗИ аппаратида кўринган! - деди йигит. Аммо ҳамширанинг ҳазиллашмаётганини сезиб, бирдан аллақандай бўлиб кетди. “Наҳотки, УЗИда ишлаган врач адашган бўлса?!”

- Ростдан ҳам қиз... Роппа-роса уч ярим кило, дўмбоққина, - деди ҳамшира баттар хижолат бўлиб.

Тадбиркорнинг пулни ушлаб турган қўли жаҳл билан қисилиб суюнчи ғижимланиб қолди. Кўнглининг узоқ бурчидаги ўндан бир хавотирли гумони тўғри чиқди-да! “Ўшанда врач: “Бирор ойдан кейин яна келинглар, қайта кўраман ва 100 фоизли гарантия билан айтаман. Ҳозирча ҳам худди ўғилдек кўринаяпти. Аммо ҳомила ҳали анча кичик, у равшан кўриниши учун камида 11 ҳафталик бўлиши керак”, деганди. Айрим билағонлар (жумладан, ота-онаси ҳам) бир марта кўрсатган бўлсанглар бўлди-да, қайта-қайта кўрсатишнинг зарари бор, сен ўзинг икки қиздан кейин туғилгансан, ўғлинг ҳам шундай бўлади, деб такрор боришга қаршилик кўрсатишганди. Мана энди оқибати... Мен аҳмоқ, кошки бу гапни тўрт-беш жўрамга айтмаган, унга исм топиб қўймаган, “Туғруқхонадан келишига оёғи остига қўчқор сўяман”, деб овоза қилмаган бўлсам!..”

Она ҳамширанинг чўнтагига нимадир солди. Дўхтирларга суюнчи бериш учун карахт ўғлининг қўлидан ғижимланган пулни олиб, тўрт-беш донасини суғуриб чиқарди-да, қолганини унинг чарм костюми киссасига тиқди.

Шу пайт навбатчи врач яна чекишга чиқиб, бўш ўриндиққа келиб ўтирди. Унинг сигарет ёқаётганини кўрган бобо гуноҳкор оҳангда нимадир деди. Врач индамай ҳозиргина чўнтагига қўйган сигарет қутисидан бир дона олиб унга узатди ва гугурт чақди, бобонинг тунд юзи, ёш қалқиган кўзи қоронғуда бир зум ёришиб турди.

- Дунёнинг ишлари қизиқ-да, - деди врач бобога далда бергандек. - Арабларда “Ал-абд йудаббир ва Оллоҳ йуқаддир” деган ҳикмат бор. Бунинг маъноси шуки...

Шу пайт эшик яна очилди, врачнинг гапи чала қолди, ҳамма ўша ёққа қаради, бу гал ташқарига бошқа ҳамшира чиққанди.

- Шокированинг одами ким? - сўради ним қоронғу йўлакда ўтирган кутувчиларга қараб.

- Мен, - деб ўрнидан турди дўппили йигит, сўнг зинапояга яқинлашаркан сўради: - Енгил бўлдими? Соғ-саломатми?

- Ҳа, ўғил муборак бўлсин!

- Ие?.. Аммо биз қиз кутган эдик-да. Майли, умри билан берган бўлсин. Она-бола яхшими, ишқилиб? Мен кетсам ҳам бўлар? Уйда болалар ёлғиз эди.

- Майли, кетаверинг.

Йигит чўнтагидан паспортини чиқарди-да, ичидан асраб қуйган бир дона қип-қизил 500 сўмликни олиб ҳамширага узатди. Сўнг дарахтга суяб қўйган эскигина велосипедини миниб, секин қоронғулик бағрига шўнғиб кетди.

Бобо бирдан уйғонгандек бўлиб, навбатчи врачга қаради.

- Кечирасиз, қандайдир арабча ҳикмат тўғрисида гапираётган эдингизми?

- Ҳа, “Ал-абд йудаббир ва Оллоҳ йуқаддир”, дейди улар. Бунинг маъноси шуки, “Бандаси тадбир қилади, Оллоҳ эса тақдир қилади...”

**Комил ЖЎРАЕВ,**
**журналист,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон шаҳри.**

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# БУ МЕНИНГ ҲАЁТИМ...

Амина аравачасини суриб, дераза ёнига борди-да, ташқарига назар ташлади. Ҳеч ким кўринмайди. Бу ҳовлида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўзининг елиб-югуриб юрган кезларини, Камол билан етаклашиб юрган боғлар қўйнини кўз олдига келтириб хўрсиниб қўйди. Агар бахтсиз тасодиф содир бўлмаганида аравачада бу ҳолда хомуш хаёл суриб ўтирмаган бўларди. Ҳали ҳам турмуш ўртоғи жони дилидан севгани учун ҳам доимо ардоқлаб келмоқда. Камол уйим-жойим, фарзандларим, деб елиб-югуриб юриши унга таскин беради. Аминанинг инжиқликларига, аразларига чидаб, босиқлик билан унга таскин бера олади. Камол ўз севгисининг софлигини ҳаётдаги бундай башафқат синовларни енгиб ўтиш қудратига эга эканлиги билан исботлай олди.

- Камол ака, сизни ҳам қийнаб қўйдим-а. Ҳали ёшсиз, балки мендек ногирон аёл билан яшаш қийинлик қилгандир. Ўзимни айбдор ҳис этаман, - деди Амина бир куни маъюс ҳолда.

- Жонгинам, ҳеч қачон бундай дема. Ахир сен бу хонадонга ногирон бўлиб кириб келмагансан-ку. Болаларимнинг бошига, менинг бахтимга омон қолганингнинг ўзи бахт. Бу ҳам Оллоҳнинг бир синови. Ўзинг агар менинг ўрнимда бўлсанг, ташлаб кета олармидинг? Сира ҳам ундай қила олмасдинг. Мен учун оилам тинчи, болаларимнинг бағримда яйраб ўсиши, сен билан яшашнинг ўзи кифоя. Мен бу бахтли лаҳзаларни ҳеч қандай ҳолатга алишмайман, - деди-да, Аминани бағрига босиб, сочларини силади.

Аминанинг кўзларига ёш келди. Шу бўлди-ю, қайтиб бу мавзуда гапирмади.

Мана шу ҳолатга тушиб қолганига ҳам икки йил бўлиб қолди. Камол хотинини бир қанча шифокорларга, табибларга кўрсатди. Ҳаммаси ҳам: "Ҳали юриб кетади",-дейишарди. Аммо натижаси йўқ... Балки вақти-соати етиб келмагандир. Амина эса ўша кунларни интизорлик билан кутмоқда.

Амина хаёл суриб турган эди, қайнсинглиси Насиба кириб келиб қолди. У янгаси билан саломлашгач:

- Ҳа, янга, нима бўлди? Бунча хомуш ўтирибсиз? - дея сўради.

- Ўзим шундай...

- Акам ҳали ишда эдиларми?

- Акангиз ишга кетганлар. Тушлик қилгани келиб қоладилар, - деди Амина.

Улар суҳбатлашиб ўтиришган эди, Камол келиб қолди. Ака-сингил саломлашиб бўлишгач:

- Қани, ошхонага юр, Насиба. Иккимиз бир ош дамлайлик, - деди Камол.

Улар ошхонага кириб кетишди. Ака-сингил ош масаллиғларини тўғраб, ишга киришиб кетишди. Шунда Насиба гап бошлади.

- Ака, қачонгача шу ногирон аёл билан яшайсиз? Ҳали ёшсиз, айни ўйнаб куладиган даврингиз. Сиз бўлса, чўлоқ хотин билан оворасиз...

- Менга қара, Насиба! Бу гапларни бир гапирдинг, иккинчи эшитмай. Мен янгангни ҳам ҳеч кимга алишмайман.



Бир тола сочига тенг кўрмайман. Янганг бирор марта сизларга ёмонлик қилдими? Нега бундай дейсан?! Наҳотки, мени бахтсиз деб ўйласанг? - деди аччиғи чиқиб Камол.

- Ака, ахир, бир умр ногирон аёл билан яшаш қийин-ку, - деди у.

- Умримнинг энг бахтли онлари ҳам шу рафиқам, болаларим билан. Мен ҳеч қачон ҳаётимдан нолимайман. Унинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Қалбимдаги муҳаббатимни ҳеч нимага, ҳеч кимга алишмайман. Бу ҳақда менга бошқа гапирма. Бу менинг ҳаётим! Қандай яшашни ўзим биламан! - деди Камол.

Насиба акаси хафа бўлганини билгач, қайтиб бу ҳақда сўз очмади. То кетгунича акаси билан гаплашмади ҳам. Уларнинг суҳбатидан бехабар Амина Насибани ҳурмат-иззат билан меҳмон қилиб, кузатиб қўйди. Сўнг Камолга қаради. Чеҳрасидаги хомушликни пайқади.

- Камол ака, сизга нима бўлди? Тобингиз йўқми? Озроқ дамингизни олинг. Иш бўлса, қочиб кетмас. Ўзингизни ҳам бироз ўйланг-да, - деди меҳрибонлик билан Амина.

- Мен соппа-соғман, ташвишланма, азизам. Бир оз Насиба билан тортишиб қолдим, - деди Камол.

- Ие, нимага хафалашдинглар? - деди Амина.

- Ҳаммаси жойида. Сира хавотир олма. Сен менинг жону жаҳонимсан, - деб рафиқасини қучиб пешонасидан ўпиб қуйди.

- Хафа бўлманг, ака-сингиллар ўртасида бундай ҳолатлар бўлиб туради-да, - деди Амина жилмайиб.

Камол Аминани бағрига босган ҳолда ўзига-ўзи деди: "Менинг ҳаётимга ҳеч кимнинг аралашишга ҳақи йўқ! Бу менинг ҳаётим!Шу ногирон аёл менинг жуфти ҳалолим! Усиз мен ҳаётимни тасаввур эта олмайман. Ҳеч қачон уни ташлаб кетмайман. Шириндан-шакар фарзандларим бағримда, севимли рафиқам ёнимда бўлса, менга яна нима керак! Амина, сен менинг ҳаётимсан, жонгинам", - деди Камол кўзлари чарақлаб, рафиқасига меҳрла боқиб.

Ҳа, азизлар ҳар бир инсон оила қуришдан олдин соғлиқда ҳам, беморликда ҳам бирга бўлишликка, борлиққа ва йўқликка бирга бардош бера олишга сўз беради. Бироқ ҳамма ҳам ана шу сўзида содиқ туравермайди. Оила муқаддас даргоҳлигини унутиб қўйишади. Баъзан гап-сўзлар таъсирида оила пароканда-ликка учрайди. Одамлар бўлар-бўлмасга ўзганинг оиласига аралашиш ҳам гуноҳ эканлигини англаб етмайдилар. Оилада эру хотин эмас, гўдаклар ҳам борлигини унутиб қўядилар. Мен ҳаётда Камолга ўхшаган муҳаббатига содиқ меҳрибон инсонлар кўпроқ бўлишини истардим.

**Суманбар ЧОРИЕВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қарши шаҳри, "Насаф" ж/х,**
**Янгиобод маҳалласи.**

# АММА КЕЛДИ— ҲАММА КЕЛДИ!

Кеча кечқурун уйда ўтирсам, қизим ойнадан ташқарига қараб: "Ойи, қаранг, бир аёл келди", - деди.

Ўрнимдан эриниб туриб, қўшни аёллардан биронтаси келгандир-да, деб деразадан қарадим. Ташқарида отамнинг синглиси - аммам кулимсираб турарди. Қувонганимдан дарвозахонага қараб отилдим. Худди отам ё онам келгандай, севинчим ичимга сиғмасди. Билмадим, амма сўзининг тушунчаси кимда қандай? Аммо менда ўзгача меҳр, соғинч туйғусини уйғотади. Ёшлигимда мана бу ибораларни кўп эшитардим: "Амма - эшик олди тамба" ёки "Амма келди - ҳамма келди". Кимга қай бири тўғри билмадиму, менга иккинчи ибора маъқулроқ. Ўзим олис юртга келин бўлиб тушганлигим боисми, ҳар замонда келиб турадиган отам-онам ўрнини ҳам ўзининг тез-тез йўқловлари билан шу аммам тўлдириб туради.

Йиллар давомида аммамга нисбатан алоҳида меҳр билан улғайдим. Ҳалиҳали эсимда, 7-8 ёшдаги қизча эдим. Аммам келса, укаларим билан "ким ўзар"га "аммам келди", деб чопардик. Аммам ҳам ўз навбатида ҳар биримизни меҳр билан ўпиб, турли хил ширинликлар билан сийларди.

Мана, ҳозир ўзим ҳам амма бўлдим. Уйга бориб қолсам, икки укамнинг ўғил-қизлари олдимга бир-бирларини қувиб, "аммам келди, бўкалик аммам келди", деб чопишади. Мен ҳам худди аммам каби меҳр билан ҳар бирининг пешонасидан ўпиб, ширинликлар улашаман. Ана ўшанда ич-ичимда ҳаяжонли, титроққа ўхшаш нарса, бутун вужудимни қамраб олади. Шунда бир ширин ўй хаёлимдан кечади: «Демак, мен яхши амма эканман-да!» Ўртоқларимдан ё кўчакўйда: "Аммам ундай уришди", ё "аммам уйига киргизмади", деган турли хил гаплар эшитаман.

Менинг аммам эса умуман бошқача, худди туғишган опа-сингилларимдай меҳрибон. Шунгами, фарзандларимга ҳам аммалари ҳақида илиқ сўзлар айтаман.

Дарвозани катта очдим-у, отамнинг иси уфуриб турган аммажонимни маҳкам қучиб олдим. Тун бўйи билан маза қилиб гаплашиб чиқдик. Мана, шунга ҳам 4 ойдан ошди. Аммамни соғиндим. Эртага қизларимни олиб, аммамни бир кўриб келмоқчиман.

Азиз дўстим! Сиз ҳам аммангизни соғингандирсиз. Унда вақтни пайсалга солмай, тезроқ йўлга тушинг.

*Сизни қучганимда ҳар сафар, ҳар дам,*
*Отамнинг, энамнинг исин туяман.*
*Келсангиз, қариндош бўлар жамулжам,*
*Аммажон, онамдек сизни суяман.*
*Қалбимга шошқалоқ соғинчлар елди,*
*Дарвозамни қоқиб, жон аммам келди.*
*Олисларда қолган отам ўрнидан,*
*Ота бўлиб қизим, чоп, аммам келди.*

**Дилфуза ҲОТАМОВА, Бўка тумани.**

# ЗАМОН АЙБДОРМИ?

Якшанба дам олиш куни бўлганлиги учун кечки пайт жиянларимни етаклаб "дом"дан пастга тушдим. Яқинроқда суянчиқли скамейкага бориб жойлашарканман, бизнинг "дом"дан нариги "дом"да турадиган таниш аёл ҳам боласини етаклаб келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг у:

- Зирагим ярашибдими, қалай, чиройлимикан, қутлуғ бўлсин қилмайсизми? - деди кулиб.

- Вой, янги зиракми? Эътибор бермабман-а, узр, қутлуғ бўлсин! Ярашибди, буюрсин. Бу дейман, ойлигингизни йиғиб олибсиз-да, - дедим.

Чунки бу аёл мактабда муаллима. Эри ҳам давлат ишида ишлайди. Оғир папка кўтариб олган, кўримсизгина, бўйчан ўша эркак билан доимо салом-алик қилиб турамиз.

- Во, қаёқда! Ўзингиз ўқиган қизсиз-у, шуниям тушунмайсизми...

- Репетиторлик қилиб олгандирсизда... Ердан топиб олмагандирсиз?..

- Олиб беришди "акахондам". Яхшиям у бор экан, йўқса силлам қуриб, очимдан ўлардим-а,эримга қолса ҳар куни шилдир шўрва.

- "Акахонда"нгиз ким? - таажжубландим яна.

- Акахондам шеф... Кафега олиб бориб едиради-ичиради, айтган нарсамни олиб беради.

- Эрингиз-чи, ахир у болангизнинг отаси-ку, - дейман яна.

- Ҳе, ота бўлмай кетсин! Нима олиб берди? Мана кеча ўғлимнинг туғилган куни бўлди. На торт олиб келди, на ноз-неъматли дастурхон... Иккита шар кўтариб келибди. Шуми эр дегани?! Эрталаб ишга кетади, кечқурун келади, ухлайди, на гап бор, на сўз... Эзилиб кетдим-а! «Бошқа эркакларга ўхшаб чет давлатда ишлаб келсангиз бўлади-ку!?",- десам: "Сизларни кимга ташлаб кетаман?" - дейди. Нима, бизни бўри ермиди? Яшайверамиз, ялло қилиб!..

Унинг бу гапларига менинг юракларим увишиб кетди.

"Олса-олар, олмаса ўзи билади", деб бир-иккита нордон гапларни гапирдим.

- Вой, вой, насиҳат қилаяпсизми, насиҳатингизга зор эмасман ё кўролмаяпсизми?

Қанчалик уриниб тушунтиришга ҳаракат қилмайин, у тушунишни хоҳламади ҳам. Олдида ўтириб, бир балога қолмайин, деб аста ўрнимдан қўзғалдим.

Ўрнимдан туриб жиянларимни етаклаб, тез-тез одимларканман, унинг яна бошқа аёлга мақтанаётгани эшитиларди: "Қалай, чиройлими?.."

- Йўқ! - деб қулоғимни бекитдим.

- Нима бало, ўқийвериб эси оғиб қолган шекилли... Астағфирулло, - деди хотин менга қарата.

"Астағфируллони менга эмас, ўзингга айт", - дедим ичимда...

**Зебинисо ҒАФФОРОВА**

**Барча аёллар тез-тез ўз шифокорлари – гинеколог қабулида бўлиб туришади. Хўш, эркакда жинсий муаммолар пайдо бўлганда у нима қилади, кимга учрашади? Маълум бўлишича, аксарият кучли жинс вакиллари эркаклар учун махсус "гинеколог", яъни андролог шифокор бўлишини ҳатто билишмас экан.**

# ЭРКАКЛАР "ГИНЕКОЛОГИ"




*Жинсий ҳаётида муаммолар туғилмаслигини истаган ҳар бир эркак йилига бир марта андролог қабулига бориб туриши шарт.*

Дарҳақиқат, сўровлардан маълум бўлишича, эркакларнинг бор-йўғи 20 фоизи "андролог" деган шифокорнинг борлигини билар эканлар. Ҳатто мана шу 20 фоизнинг ҳам аксарияти жинсий муаммоларга дуч келганида андролог қабулига шошилмайди. Бунинг сабаби нимада? Аввало, эркаклар ўзларини чин маънода кучли жинс, деб ҳисоблайдилар, шу боис "шахсий" муаммоларини бегоналар билан ўртоқлашишга ор қиладилар. Нари борса, дўстларидан маслаҳат сўрашлари мумкин. Иккинчидан, аксарият эркаклар шифокор қабулига кириш учун поликлиника коридорида навбат кутиб туришни ёқтирмайди. Айниқса, андрологнинг эшиги тагида турганингни бирорта танишинг кўриб қолса борми, бундан ортиқ шармандалик бўлиши мумкин эмас.

Оқибатда, жинсий ҳаётга путур етади. Баъзи ҳолларда эса жинсий муносабатлар умуман тўхтаб қолади. Бу эса, ўз навбатида кичик тос атрофида қон айланиши издан чиқишига олиб келади. Охир-оқибат, натижа аянчли тугаши ҳеч гап эмас.

## АНДРОЛОГ НИМА ҚИЛА ОЛАДИ?




Ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари андрологларга эркакларнинг жинсий муаммоларини даволашда 98 фоиз самарали натижага эришиш имкониятини беради. Бунда беморнинг ёши, соғлиғи, яна бошқа қандай касалликлар уни безовта қилиши умуман аҳамият касб этмайди. Энг асосийси, бемор оғриқ ва салбий таъсирларни деярли ҳис қилмайди. Муҳими, вақтни бой бермай шифокорга мурожаат этишда. Масалан, простатит энди бошланган пайтлари аниқланса, уни даволаш усуллари жуда енгил, камхарж ва юқори самарали бўлади. Дард ўтказиб юборилганда эса муолажа кўп вақтни олади, сарф-харажатлар ҳам шунга яраша бўлиши аниқ.

**Андролог шифокор даволайдиган асосий касаллик турлари:**

- ➔ Эркаклар бепуштлиги;
- ➔ Жинсий аъзолар орқали юқадиган касалликлар;
- ➔ Жинсий аъзолар яллиғланиши касалликлари (уретрит, простатит, везикулит, эпидидимит, орхит);
- ➔ Генитал аъзолар жароҳатлари ва уларнинг оқибатлари;
- ➔ Жинсий аъзолар ривожланиши билан боғлиқ туғма аномалиялар;
- ➔ Импотенция;
- ➔ Эркак уруғи(сперма)нинг тез келиши;
- ➔ Пейрон касаллиги(жинсий аъзо қийшиқлиги);
- ➔ Либидо (жинсий алоқага майл)нинг сусайиши.

**Эркаклар жинсий фаоллигининг сусайишига ва ҳатто бузилишига олиб келадиган энг кенг тарқалган сабаблар:**

1. Руҳий зўриқиш;
2. Иш ва маиший муаммолар билан ўралашиб қолиш;
3. Жисмоний фаолликнинг сустлиги, камҳаракатлилик;
4. Ёғли овқатларга ва спиртли ичимликларга, сигаретага ружу қўйиш;
5. Жинсий аъзоларга инфекция тушиши;
6. Аксарият ҳолларда тумов ва гриппни яхши даволанмай, тик оёқда ўтказиш;
7. Турмуш ўртоғи(аёл) томонидан эътиборнинг камлиги.

## МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

➔ Эркакларда 70 фоиз ҳолатда жинсий муаммоларга руҳий зўриқиш сабаб бўлар экан. Аёлларда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 40 фоизни ташкил этади.

➔ Америкалик андролог шифокор Дуглас Уайтхеднинг аниқлашича, 50 ёшдан ошган эркакларда худди юрак инфаркти каби шартли равишда "жинсий аъзо инфаркти" деб аталган касаллик, яъни парманент импотенция ҳам кузатилиши мумкин экан. Жинсий аъзо қон томирларини ёғ босиши оқибатида тиқинлар пайдо бўлади ва қон айланиши сустлашади. Бу эса жинсий фаолликни кескин пасайтиради. Шу сабабли, юрак, қон-томир тизимини мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний машқлар амалда жинсий фаолият бузилишининг ҳам олдини олиши мумкин.

# СОЧ ТЎКИЛМАСЛИГИ УЧУН

***Маълум бўлишича, 70 фоиз ҳолатда алопеция(соч тўкилиши) онанинг отасидан неварага, қолган 30 фоиз ҳолларда эса отадан фарзандга насл суриб ўтар экан. Соч тўкилиб, кал бўлиб қолишнинг сабаблари нимада? Унинг давоси борми? Шифокорга мурожаат қилган маъқулми ёки халқ табобати усуллари воситасида даволанган яхшироқми? Бу каби саволлар кўпчилик эркакларни қизиқтириши табиий.***



Инсон организмида юз берадиган ҳар қандай ўзгариш, касаллик сочларнинг қон билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатади. Қон таъминотининг ёмонлашуви оқибатида сочлар тўкила бошлайди, ўсиши секинлашади. Шундай қилиб, сочлар организмдаги қуйидаги ўзгаришларга жуда сезгир бўлади:

➔ **Иммунитет**нинг пасайишига, қон айланишининг ёмонлашувига, эндокрин тизим фаолиятининг бузилишига сабаб бўладиган **руҳий зўриқишларга**;

➔ **Витаминлар** етишмаслиги ёки, аксинча, улар миқдорининг ошиб кетишига. Айрим витаминлар, хусусан, А витаминининг етишмовчилиги ва ортиқчаси сочларнинг кўп тўкилишига олиб келаркан.

➔ **Микроэлементлар** етишмовчилигига. Айтайлик, темир етишмовчилиги анемияси алопециянинг қўзғатувчиси бўлиши мумкин. Чунки темир моддаси эритроцитлар таркибига кириб, танани кислород билан таъминлашга хизмат қилади. Унинг етишмовчилиги эса табиийки, соч толаларининг кислород билан тўйинишига салбий таъсир кўрсатади ва уларнинг тўкилишига сабаб бўлади.

➔ **Айрим кучли дори воситаларидан** муттасил фойдаланишга. Масалан, сил ва онкологик касалликларни даволашда қўлланиладиган дорилар шулар жумласидандир. Уларнинг кўп истеъмол қилиниши оқибатида соч илдизларида заҳарли моддалар тўпланади ва уларни мўрт қилиб қўяди.

· **Овқат ҳазм қилиш органлари** фаолиятининг бузилишига, **қандли диабетга**(оқсиллар алмашинувидаги салбий ўзгариш бош териси касаллиги – себорейга олиб келади), **жигар ва буйрак** хасталикларига, **сурункали заҳарланишга**(хусусан, кимёвий воситалардан заҳарланишга), **кучли рентген нурланишига**.

Соч тўкилишини даволаш усулини танлашда касаллик сабабига эътибор қаратиш талаб этилади. Шу боис, биринчи галда шифокорга мурожаат этишни маслаҳат берган бўлар эдик. Шу билан бирга, универсал усуллардан ҳам фойдаланиб бориш мумкин. Масалан, алопеция аломатлари йўқолгунга қадар ҳар куни бошни уқалаш муолажасини олиш керак. Бу муолажа жуда оддий бажарилади. Бош терисига бармоқ учларининг юмшоқ жойини маҳкам босиб соат мили йўналишида айлана ҳаракатлар қиласиз. Сўнг бармоқларни силжитасиз. Шу тарзда бутун бош териси уқалаб чиқилади. Муолажанинг самарасини ошириш учун уни **қизил булғор қалампири** ёки **қизил гармдори шарбати** билан бажарган маъқул. Чунки қалампир ва гармдори этида, ҳамда уруғлари ёпишиб турадиган бандида **капсаицин** моддаси мавжуд. Бу модда қон айланишини яхшилаш, моддалар алмашинувини меъёрлаштириш хусусиятига эга. Қолаверса, у жуда кучли антиоксидант ҳам ҳисобланади. Бир нечта қалампир ёки гармдори шарбатини сиқиб олиб, 1:2 миқдорда сув билан аралаштиринг. Аралашма билан бошни ва бармоқларни ҳўллаб уқалаш муолажасини бажаришга киришинг. Муолажа ўртача 5-10 дақиқа давом этади. Сўнг бошингизни илиқ сувда ювиб ташланг.

***Алопециядан даволаниш муолажаларини олаётган даврингизда қуйидаги тавсияларга қатъий амал қилинг:***

**1.** Сочингизни калта қилиб олдириб юринг. Узун сочлар ювганда ва тараганда тез ҳамда кўп тўкилади.

**2.** Албатта сочингизга мос шампун танланг. Шампунни бевосита сочга суртишни ҳам маслаҳат бермаган бўлардик. Аввал уни сувга аралаштириб олиб, сўнг сочингизга суртинг. Бошни иссиқ эмас, аксинча, фақат илиқ сувда ювинг. Охирида совуқроқ сувда чайиб ташлашга одатланинг.

**3.** Сочларни сочиқни қаттиқ босиб ва ишқалаб артиш ярамайди.

**4.** Фендан умуман фойдаланманг. Чунки иссиқ ва қуруқ ҳаво оқими терини қуруқлаштириб, соч толасини эса нозик ва синувчан қилиб қўяди.

**5.** Қиш фаслида бош телпак остида терлаши одатий ҳол. Шу сабабли қишда ҳар икки ҳафтада бир марта соч учун ниқоб қилиш тавсия этилади. Пиёзни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, асал билан аралаштирасиз(2 ош қошиқ пиёз қиймасига 1 чой қошиқ асал миқдорида). Аралашмани соч илдизларига яхшилаб суртиб чиққач, бошни юмшоқ сочиқ билан 20-30 дақиқа ўраб қўясиз. Сўнг илиқ сувда ювасиз. Сочни ювиш пайтида совун ёки шампун ишлатманг.

**6.** Спиртли ичимликлар, қаҳва, тузламалар, дудланган озиқ-овқатлардан тийилган маъқул. Ёғли, ширин ва аччиқ нарсаларни ҳам камроқ енг. Лекин карам, сабзи каби сабзавотларни, олма, ўрик ва бошқа меваларни, қуруқ мевалар ва уларнинг шарбатларини, таркибида желатин кўп бўлган яхна таомларни, денгиз карамини кўнгил тусаганча истеъмол қилиш мумкин.

***Соч тўкилишида қуйидаги муолажалар ҳам яхши самара бериши мумкин:***

- 1 ош қошиқдан тоза асал ва алоэ шарбати, 1 чой қошиқ саримсоқ пиёз шарбатидан аралашма тайёрлайсиз(аралашмадан кўпроқ тайёрлаб қўйиб, музлаткичда сақласа ҳам бўлади). Аралашмадан бир ош қошиқ олиб, бир дона тухумнинг сариғи билан аралаштириб, бошга яхшилаб суртинг. Сўнг бошингизни 20 дақиқа юмшоқ сочиқ билан ўраб қўйинг. Шундан кейин бошни розмарин дамламасида ювиб ташлаш лозим.

- 1 ош қошиқдан зайтун ёғи ва коньяк олиб, уларни битта тухумнинг сариғи билан аралаштирасиз. Мазкур аралашмани бош териси ва сочга суртиб, сочиқ билан ўраб ўтирасиз. Ярим соатдан сўнг шампун билан ювиб ташлаш керак.

Муолажа яхши самара бериши учун мазкур усулларни ҳар 2-3 ҳафтада навбати билан қўллаб туринг.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# ЁШЛИКНИ САҚЛАШ СИРЛАРИ



**Йиллар ўтаверар экан, ёшлик ўз ўрнини кексаликка бўшатиб бериши табиат қонунидир. Умрнинг кексалик даврида чиройли, кўркам ва тетик ҳолда қолиш ҳам ўзига хос санъатдир. Шундай экан, навқирон ва кўтаринки руҳда кексаликка етиб келиш учун нима қилиш зарур?**

### МИЯНИ МАШҚ ҚИЛДИРИНГ!

Мияни мунтазам равишда машқ қилдириб, кўпроқ газета ва китоблар ўқинг, шеър ёдланг, турли кроссворд ва сканвордлар ечинг. Муҳими, миянинг бўш, бекор туриб қолишига йўл қўйманг. Агар мияни мунтазам машқ қилдириб турсангиз, саксон ёшингизда ҳам хотирангиз навқирон йигитникидек ўткир бўлиб қолади. Кўп кишилар қартайиб қолганларида ҳам меҳнат қиладилар. Фан билан шуғулланадилар, китоб ёзадилар, маҳалладаги жамоат ишларини бажарадилар. Бу амалларнинг барчаси инсонни нохуш ўй-хаёллардан чалғитиб, яшашга ундайди, доимий ҳаракат эса танани турли оғриқлардан асрайди.

### ЯШАШ ЖУДА МАРОҚЛИ

Узоқ умр кўриш учун доимо ҳаракатда бўлинг, бунинг фойдаси катта. Ўзингизни одамлардан четга олиб, одамови бўлиб қолманг. Дўстларингиз ва қариндошларингиз билан тез-тез борди-келди қилиб туринг. Ҳазил-мутойибага мойил бўлинг, самимий ҳазиллардан завқланинг. Яшашга бўлган қизиқишингизни сўндирмасдан, ўзингизни бошқа, янги ишларда синаб кўринг. Уйингизга яқин бўлган бирор жойдан кўнглингизга ёқадиган, қизиқарли иш топиб олинг.

Дала ҳовли ёки боғингизда гуллар, сабзавотлар ва мевалар ўстиринг. Бироқ, тоза ҳаво ва гўзал табиат қўйнида бажариладиган бу ишларда меъёрни унутиб қўйманг.

### ЁЛҒИЗЛИКДАН ҚОЧИНГ!

Агар оилангизда кўпчилик бўлса-ю, ҳар куни яқинларингиз эътиборида бўлсангиз яна яхши. Тиббиётчи олимларнинг таъкидлашича оилали инсонларнинг умри узоқ бўлар экан. Шунингдек, яқинларга ғамхўрлик ҳам инсон умрини узайтириб, мазмун бахш этади. Набираларингизни тарбиялаб уларга кўпроқ вақт ажратсангиз, ҳаётнинг ҳали ўзингиз билмаган қирраларини кашф этасиз. Бу вақтга келиб набираларингиз вояга етган бўлишса, унда дўстларингиз ва танишларингиз билан мулоқотни узманг. Улар билан табиат бағрига сайру саёҳатга, театрларга боришингиз ёки қизиқарли учрашувлар уюштиришингиз мумкин. Имкониятингиз бўлса мушук ёки ит боқиб шулар билан овунинг.

### КЎПРОҚ САЙР ҚИЛИНГ!

Танангиз саломатлигини сақлаш учун жисмоний машқлар бажаришни канда қилманг. Ҳар куни кечқурун, уйқуга ётишдан олдин, албатта сайр қилинг. Кун бўйи диванда телевизор кўриб ётишга ўрганманг. Аёллар серҳаракат бўлишгани, ҳамиша уй-рўзғор ишлари билан банд бўлишгани боис, эркакларга қараганда узоқроқ умр кўришаркан.

### УҚАЛАШНИ ЎРГАНИНГ!

Қуйидагидек уқалаш машқларини бажарсангиз кайфиятингиз яхшиланиб, ўзингизни яхши ҳис эта бошлайсиз:

➔ **Қон айланишини яхшилаш учун**:

Қўлларингизни куч билан силкиб, қулайроқ ўтиринг-да, ўзингизни бўш қўйинг! Уқалашни бош томондан бошланг. Иккала қўлингизнинг бармоқлари билан бошингизнинг тепа қисмини, сўнг чаккаларингизни, елкаларингизни, танангиздаги барча қўл етадиган аъзоларингизни шапатилаб чиқинг.

➔ **Тинчланиш учун:**

Кўрсаткич ва ўрта бармоқларингиз учини пешонангиз ўртасига қўйинг. Пешонангизни аввал чаккага, сўнг қулоқ томонга қарата айланма ҳаракатлар билан уқаланг.

➔ **Чаккадаги лўқиллашни йўқотиш учун:**

Чаккангизга бармоқларингизни шундай қўйингки, бармоқлар учи бўйин умуртқасига тегсин. Сўнг чуқур нафас олиб, бошингизни орқага ташланг. Бармоқларингиз билан елка томонга қараб майин ҳаракатлар билан уқаланг.

### ЎЗИНГИЗНИ ҚЎЛГА ОЛА БИЛИНГ!

Ўз хулқи атворингизни назорат қила олинг! Кундалик ҳаётда ҳар куни учрайдиган ва асабни бузадиган турли кўнгилсизликларга парво қилмасликка одатланинг.

Ҳар қандай ёшда ҳам жинсий ҳаётдан воз кечмаганингиз маъқул. Бу асабийлашишни унутишга ёрдам беради. Бу вақтда ишлаб чиқарилган гормонлар эса қон томирларини кенгайтириб, тананинг қон билан таъминланишини яхшилайди.

### КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

Касал бўлиб, шифокорнинг олдига боргандан кўра, бунинг олдини олганяхшироқ. Саломатликни мустаҳкамлаш, умрни узайтириш учун эса қуйидаги халқона табобат усуллари ёрдам беради.

➔ **Иммунитетни ошириш учун:**

Агар қон босимингиз йўқ бўлса, бир ой давомида ҳар куни 3 маҳал, 20-30 томчидан лимонўт (настойка лимонника) шарбатидан ичинг.

➔ **Хотира сусайганда, қулоқ шанғиллаб, бош айланганда:** қуйидаги гиёҳлар дамламасидан ичсангиз, ёрдам беради: 5 ош қошиқ қарағай дарахти ниначалари (хвоя сосны), 2 ош қошиқдан пиёз пўсти ва наъматак меваси аралаштирилади. Устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб 2-3 соат ўраб қўйилгач, кунига 3 маҳал, 1/4 стакандан ичилади.

➔ **Туз алмашинуви бузилганда:** уч ойгача қулупнай истеъмол қилиниб, унинг барглари ва гулидан чой дамлаб ичиш тавсия этилади.

**Шунингдек, ҳар қандай ёшда ҳам сув муолажаси шифо бўлишини унутманг! Бунинг учун иссиқ ва совуқ сувли, душ ва ваннага тушиш. Шабнамда оёқ яланг юришнинг ҳам фойдаси жуда каттадир.**

### ЁШАРТИРУВЧИ ПАРҲЕЗ...

Ёш ўтгач истеъмол қилаётган таомларингизга кўпроқ эътибор беринг. Айниқса, кундалик овқатлар рўйхатидан қовурилган ва ёғлиқ таомларни чиқариб ташлаш керак. Чунки, агар вазнингиз меъёридан ошиқ бўлса қанд касали, юракнинг ишемик хасталиги, остеартроз ва бошқа бўғин касалликлари билан оғришингиз эҳтимоли икки баравар ортади.

Шу боис ёғлиқ таомлар ва картошка, макарон, нон ва ширинликлардан иложи борича камроқ енг. Кўпроқ сабзавотлар, мевалардан истеъмол қилинг. Айниқса, тузланган ва янги узилган карам, шивит, петрушка, сельдер, саримсоқпиёзнинг фойдаси беқиёсдир. Қора смородина ва лимоннинг эса турган-битгани дармондоридир.

Кунига 1-2 ош қошиқдан албатта асал еб туриш керак. Шунингдек, буғланиб пиширилган сули ёрмасини турли сабзавотли ва мевали салатлар билан қўшиб еб туриш жуда фойдали.

Бундан ташқари, дастурхонда ҳар доим сут-қатиқ маҳсулотлари бўлиши шарт.

Тана сувсизланмаслиги учун кунига 8 стакан сув ичиш лозим (бунинг ичига шўрванинг суви, шарбатлар ҳам киради).

### ТЎЙИБ УХЛАНГ!

Ўз вақтида дам олиш ва тўйиб ухлашнинг умрни узайтиришда фойдаси катта. Мириқиб ухлаш танадаги юрак-томир ва асаб касалликлари бошланишининг олдини олади.

Имкон қадар бир пайтда ухлаб, бир пайтда туришга, 8 соатдан ортиқ ухламасликка одатланинг! Ухлайдиган каравотингизда овқат ейиш, телевизор кўриш, бирор нарса тўқиш ёки китоб ўқиш мумкин эмаслигини унутманг. Пар тўшак ёки пар кўрпада эмас, балки қаттиқроқ ва қулай ўринда ухланг. Уйқуга ётишдан олдин хона шамоллатилган, қоронғи ва сокин бўлиши керак. Ухлашдан олдин ваҳимали кинолар кўрманг. Яхшиси, қизиқарлироқ бирорта китоб ўқинг, сайр қилинг. Шунингдек, ухлашдан олдин тўйиб овқат ейиш, чекиш, спиртли ичимлик ёки қаҳва ичиш ҳам мумкин эмас. Агар жуда қорнингиз очса, бир пиёла илиқ сутга бир чой қошиқ асал қўшиб ичинг.

**Уйқусизликдан қийналсангиз ҳам дорилар ичишга ўрганманг. Қуйидаги табиий воситалардан фойдаланинг:**

➔ 1 ош қошиқ майдаланган валериана илдизи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, паст оловда 10 дақиқа қайнатинг. 1 соат тургач, сузиб олинг. Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин 2 ош қошиқдан ичинг.

➔ Ҳар куни тунда бир дона қўрда ёки духовкада пиширилган пиёз тановвул қилинг.

➔ Оёқларга қилинган совуқ компресс ҳам уйқу келтиради. Бунинг учун ипдан тўқилган пайпоқ ҳўлланиб, сиқиб ташлангач оёққа кийилади. Устидан эса жун пайпоқ кийгач, кўрпага бурканиб ётилади. Бир оздан сўнг оёқлар исиб, тезда уйқуга кетасиз. Шунингдек, мойчечак (ромашка), дасторгул (герань), лимон ёки атиргул гулбарглари солиб тайёрланган ваннага тушсангиз, тез уйқуга кетишингизга ёрдам беради.

➔ Ўринда қулай жойлашиб ўтиринг ёки чўзилинг! Кўзларингизни юмган ҳолда қошқовоқ, кўз, тил ва лабларингизни бўш қўйиб жилмайинг! Кўз қорачиғингиздан мовий қувват оқиб кириб, бош ва умуртқангиз бўйлаб оқаётгандек тасаввур қилинг. Бу машқни уч-тўрт марта бажарсангиз, 5 дақиқада уйқуга кетасиз.

➔ Фаол ҳаёт кечириш, қувватни кучайтириш учун таркибида бета-каротин, селен, ва дармондорилар мавжуд бўлган дармондорили сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилинг.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

**(Давоми бор.)**

## УЗОҚ УМР КЎРИШ УЧУН...

Ёшим 85 да бўлишига қарамай ҳануз тетикман. Бунинг сабаби шуки, мен ёшликдан бошлаб танамни чиниқтирдим. Ейдиган овқатларимга эътиборимни қаратдим. Энг аввало танамнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймадим. Йиллар давомида ҳар куни эрталаб, об-ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар, югуришни канда қилмадим.Шу боис юрагим бақувват.

Югуриш танадаги моддалар алмашинувини яхшилаб, қон босимини меъёрига келтиради. Шунингдек, одамлар билан бўлган муносабатимга эътибор бердим. Яхшиликни эсда сақлаб, кўнгилсиз гапларни дарҳол унутиб юбордим.

Кўп мусиқа тинглаганим боис кайфиятим ҳамиша аъло бўлади. Узоқ умр кўришнинг энг асосийси ҳаракат ва яхши кайфиятдир. Мен буни ўз умрим давомида синадим.

**В. Бобохонов, Сурхондарё вилояти.**

## ТАБИАТДАН БАҲРА ОЛИНГ!

Эрим билан 35 йил шаҳарда яшадик. Пенсияга чиққач, эримнинг мазаси бўлмай қолди. Шифокорлар эримга, "ошқозон саратони",-деган ташхис қўйишди. Биз умидсизликка тушиб қолдик. Шундан сўнг эрим туғилиб ўсган қишлоғига кетиш пайига тушди. Уйимизни сотиб, дарё бўйидаги қишлоқдан мўъжазгина уй сотиб олдик. Эрим эса қолган озгина умрини шу ердаги табиат бағрида ўтказишга аҳд қилганди. Қишлоқда асаларичилик билан шуғуллана бошладик. Қайнотам бу ишни яхши билар, эримга ҳам ўргатганди. Қишлоқ четида бир булоқ бор эди. Ҳар куни шу булоқдан сув олиб келардик. Эримга шу сувдан овқат тайёрлардим, чой қайнатиб берардим. Эрим янги узилган мевалар, ўзимиз етиштирган тоза асал қўшилган гиёҳлардан дамланган чойни кўп ичадиган бўлди. Ҳар куни эрталаб 1 ош қошиқ тоза асал қўшилган бир стакан сув ичиб оларди. Кундан кунга унинг ёшариб семира бошлаганини сездим. Вақти келиб эрим билан яна шифокорга учрашдик.

Буни қарангки, шифокорлар бу гал эримнинг ошқозонидан ҳеч қандай касаллик топа олишмади. Табиий маҳсулотлар ва она табиатнинг неъматлари эримни касалидан фориғ қилган экан. Шу боис кимки бирор хасталикдан қийналса, изтиробга тушмай табиат бағрида яшаса, менинг эримга ўхшаб касаллигидан фориғ бўлади.

**О. АҲМЕДОВА, Олмалиқ шаҳри.**




**253** **Ёшим 47** да. Асли қашқадарёликман. Ажрашганман. 12 ёшли қизчам бор. Болалар шифокори бўлиб ишлайман. Уй-жойим бор. Ҳаётнинг аччиқ -чучугини бошдан кечирганман. 60 ёшгача бўлган (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ), инсофли, аёлни ва оилани қадрлайдиган, ишлайдиган, уй-жойли эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда**

**Сабоҳат**

**254** **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Фарзандим йўқ. Ишлайман. Кўринишим хушрўй, орастаман, 46 ёшгача бўлган ишлайдиган, олий маълумотли, кўркам, Тошкентда уйи бўлган, жиддий сабабларга кўра ажрашган эркак билан танишиб, оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Насиба**

**255** **Ёшим 36 да.** Наманганликман. Турмушга чиқмаганман. Нуфузли ташкилотда ишлайман.Тошкентда яшайман. Феъли оғир-вазмин қизман. 45 ёшгача бўлган, ажрашган, (иложи бўлса уйланмаган), кўнглимни тушуна оладиган, самимий, оққўнгил ва меҳрибон, тошкентлик эркак билан танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулбаҳор**

**256** **Ёшим 35 да.** Турмушга чиқмаганман. Тошкентликман. Ишлайман. Ота-онам билан яшайман. 45 ёшгача бўлган, тошкентлик, ишлайдиган ёки бирор ҳунар эгаси бўлган, уйи-жойи бор тошкентлик эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Рухшона**

**257** **Ёшим 30 да.** Тошкент вилоятиданман. Ишлайман. Турмушга чиқмаганман. 35-40 ёшларда бўлган уй-жойли, ишлайдиган, оилани моддий таъминлай оладиган эркак билан танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шаҳноза**

**258** **Ёшим 55 да.** Ажрашганман. Тошкент шаҳридаги ўз ҳовлимда яшайман. Ўз бизнесим бор. Тошкентлик, 45 ёшларда бўлган, ажрашган аёл ёки турмушга чиқмаган қизга уйланиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Камол ака**

**259** **Ёшим 43 да.** Ажрашганман. Тошкентликман. Болаларим аёлимда қолган. Касбим ҳайдовчилик. Бувим билан яшайман. 40 ёшгача бўлган, ажрашган, ёки бир боласи бор, уйим-жойим дейдиган, оқила аёл билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Маҳкам**

**260** **Ёшим 33 да.** Тошкент вилоятида яшайман. Ажрашганман. Уч нафар фарзандим бор. Ишлайман. Уй-жойим бор. 45 ёшгача бўлган (аёли вафот этган бўлиши керак, ажрашган эмас) кўркам кўринишли, ишлайдиган, оилани моддий таъминлай оладиган, оиласининг қадрига ета оладиган, меҳрли, тошкентлик эркак билан танишиб оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулчеҳра**

**261** **Ёшим 31 да.** Ажрашганман. Ота-онам билан яшайман. 45 ёшгача бўлган, тошкентлик ёки Тошкент вилоятидан бўлган, жиддий сабаб билан ажрашган, ишлайдиган, уй-жойли, оқибатли, оғир-вазмин эркак билан танишиб, мустаҳкам оила қуришни орзу қиламан.

**Манзилим таҳририятда.**

**Саодат**

**262** **Ёшим 37 да.** Икки нафар фарзандим бор. Замонавий аёлман. Уй-жойли, (ажрашган эмас, аёли вафот этган бўлса майли), моддий таъминланган, ишлайдиган, иккитагача фарзанди бўлган, олий маълумотли, тошкентлик эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Наргиза**

**263** Асли андижонликман. Ажрашганман. **Ёшим 25 да.** Бир ярим ёшли ўғилчам бор. Хушрўй ва мўмина аёлман. Ораста ва озодаликни ёқтираман. 35 ёшгача бўлган, ичмайдиган, чекмайдиган, зарарли одатлардан холи бўлган, уй-жойли, касбли ёки ишлайдиган, тошкентлик ёки андижонлик эркак билан ширин оила қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Моҳирўй.**

**264** **Ёшим 30 да.** Уйланмаганман. Яхши жойда ишлайман. Уй-жойим йўқ. Уй-жойи бўлган, ақлли, одобли, меҳрибон ва мулойим 30 ёшгача бўлган (қайси вилоятдан бўлишининг фарқи йўқ) қиз билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Мухриддин**

**265** **Ёшим 36 да.** Ажрашганман. Чирчиқда яшайман. Ишлайман. Уй-жойим бор. Моддий томондан таъминланганман. Зарарли одатларим йўқ. 33 ёшгача бўлган (Иложи борича Чирчиқ ёки Тошкент вилоятидан) ажрашган, фарзандсиз аёл ёки қизга уйланиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Расул**

**266** 29 ёшли қизим бор. Талаба. Турмушга чиқмаган. Қўлидан ҳамма иш келади. 32-34 ёшлардаги уйланмаган, тошкентлик, ишлайдиган, уй-жойли, ақлли-хушли йигит бўлса, узатиш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Муниса опа**

**267** **Ёшим 42да.** Ажрашганман. Ўз ҳовлимда онам билан яшайман. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган Қибрайлик аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ботир**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

# МЕҲРИБОНИНГ БЎЛМАСА ҚИЙИН...

**268** - Мумкинми, онам? - деган овозни эшитиб қоғозларимдан бош кўтариб қарадим. Эшик ёнида юзларидан жуда толиққани сезилиб турган бир киши турарди.

**- Келинг, ўтиринг! - дея жой кўрсатдим.**

- Тонгда йўлга чиққандим-да, анча толиқибман, - дея ўтириб дуога қўл очди у. Сўнг бир дақиқа ўйга чўмди.

**- Тортинманг, айтмоқчи бўлаётган гапингизни айтаверинг, - дедим уни суҳбатга тортиб.**

- Мен Самарқанднинг Каттақўрғон шаҳридан бўламан. Исмим Бурҳониддин. Ҳозир пенсиядаман. Олти нафар фарзанд ўстириб, ҳаммасини уй-жойли қилганимизда аёлим тўсатдан вафот этди. Кенг ҳовлида ёлғиз ўзим айланиб юраман. Сукунат жуда сиқиб юбораркан.

**- Ахир фарзандларим бор, деяпсизку, улардан бирортаси билан яшасангиз бўлмасмиди?**

- Кенжам билан яшардим. Келиним эса Самарқанд шаҳридан эди. Бизнинг шароит ёқмадими, билмайман, ҳар ҳолда ўғлим иккиси кўчиб кетишди. Қизлар эса бировнинг хасми.Э, онам-а, дардимнинг қай бирини айтай? Анча йиллар аввал сал ёшроқ эканманми, уй ишларини мароқ билан бажарардим. Энди эса ҳатто бир чойнак чой дамлаб ичиш ҳам малол келади. Бунинг устига ёлғизликни айтинг! Бу ерга келишимга жон-жонимдан ўтиб кетган воқеалар сабаб бўлди.

**- Нима бўлди?**

- Яқинда тобим қочиб ётиб қолдим. Бир қошиқ иссиқ овқатга зор бўлдим. Болаларимдан бирортаси келиб қолишини интизор бўлиб кутардим. Деразадан кўчага қараб икки ўғлим келаётганига кўзим тушди. Қувонганимдан кўзларимга ёш келди. Бироқ, қувончим узоққа чўзилмади. Ўғилларим ҳол-аҳвол сўраш ўрнига томдан тараша тушгандек:

- Ота, мазангиз йўқ экан, деб эшитдик. Кеча анави Наим акани бозорда кўриб қолгандик. Рангингизда-ранг қолмабдику! Ҳовлини вақт борида Маҳкамнинг номига ўтказиб қўйсакмикан, - дейишса бўладими?..

Шу тобда болаларим кўзимга шу қадар ёмон кўриниб кетишдики, даст ўрнимдан туриб ургим келиб кетди. Лекин ўзимни босдим.

**- Уларнинг шартига кўндингизми?**

- Йўқ. "Сенлар иккита нон кўтариб келиш, дўхтир чақириб даволатиш ўрнига ҳовлининг дардига тушиб қолдингларми? Мени ўлади дейишганмиди? "- дея бақириб юбордим. Улар тараддудланиб қолишди. Узр сўраш ўрнига индамай чиқиб кетишди. Ёлғиз қолгач хўрлигим келиб йиғладим.

**- Нима, сиз анчадан буён касалмидингиз?**

- Бир ҳафта ётгандим, холос. Бориб кўзгуга қарасам,чиндан ҳам соқолларим ўсиб, кўзларим ич-ичига тушиб кетибди. Ювиниб, соқолларимни олиб, ўзимни тартибга солдим. Сал енгил тортдим. Шу куни қизим келиб қолди. Уйларни супуриб тозалади, кир ювди, овқат пиширди. Хурсанд бўлдим. Лекин уйига кетаётиб у ҳам дилимни хира қиладиган гапни айтди.

**- Шунчалик ёмон гап айтдими?**

- Нима дерди? "Ота сизга диван билан трюмо нимага керак? Шуларни куёвингиз билан уйимизга олиб кетмоқчи эдик", - дейди. Тавба! Мен буюмни қизғанмоқчи эмасман, аммо ўлмай туриб...Бу гапларни эшитиш одамга алам қиларкан-да.

Бор умримни болаларимга бағишлаб, уларни едириб-ичириб, ўқитиб, уй-жойли қилдим. Оқибатда эса кексайганимда уларнинг меҳрига зор бўлдим. Аёлим раҳматли барвақт ўлиб кетмаганида-ку, бу гаплар бўлмасмиди? Қани энди бир садоқатли аёл бўлса-ю, умримизнинг қолганини бирга ўтказсак!

***Бурҳониддин ака манзилини берди. Ўзи эса яна Самарқандга қайтиб кетди. Тақдир тақозоси билан ёлғиз қолган, фарзандсиз, оила қуришни истаган аёллар бўлса, уларнинг қўнғироқларини кутиб қоламиз. Бурҳониддин аканинг манзили эса таҳририятда.***

* * *

**269** Сокин йўлакдан одамларнинг ғовур-ғувури эшитилди. Хонам эшиги очилиб бир қиз билан ўрта ёлардаги эркак кўринди.

- Қизим яқинда сизга қўнғироқ қилган экан, "Бирга бораман!", - деб туриб олди. Мана, келавердик! Менинг исмим Шавкат, қизимнинг исми эса Дилноза. Аёлим яхши эди, Худо раҳматига олган бўлсин! Тақдир экан тўрт йил аввал вафот этди. Қизим иккимиз ёлғиз қолдик. Мен-ку, кун бўйи ишда бўламан, аммо қизимга қийин бўлди. Кечгача бир ўзи ўтиради. Энди бўлса, "Адажон уйланинг, менга ойижон керак", - деб йиғлайди. Сизнинг олдингизга келишдан мақсадим шу қизимга оналик қиладиган бир аёл бўлса... Шавкат аканинг киприклари намланди.

Мен қизни танидим. У деярли ҳар ҳафта қўнғироқ қилади. "Менга яхши ойижон топиб беринг!" - дея ёлворади.

**- Тошкентда яшайсизларми?**

- Ҳа, аслида Юнусободликмиз. Шу ерда "дом"имиз ҳам бор. Лекин кўпроқ Зангиотадаги ҳовлимизда турамиз. У ерда гуллар, дарахтлар яшнаб турибди, жуда чиройли. Ҳамма нарса етарли, лекин кўнглимиз кемтик-да. Агар бир-икки нафар фарзандлари бор аёл бўлса ҳам майли. Қизимнинг ёлғиз бўлишини истамайман. У аёлнинг болалари бўлса, опаси бўлиб юрарди-да.

Шавкат ака шу гапларни гапираркан, қизи унинг елкасига бошини қўйиб йиғларди.

У қизини юпата-юпата бағрига босди-да, телефон рақамларини берди. Кейин ота-бола мен билан хайрлашишди.

**Биз эса Дилнозага меҳрибон она, Шавкат акага эса садоқатли рафиқа бўладиган аёлнинг ташрифини ёки қўнғироғини кутиб қоламиз.**

**БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

**МАНЗИЛИМИЗ:**
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 532. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13316
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Ҳ. ҲОТАМБОЕВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5 6